



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА–ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдин олиш мақсадида назоратни кучайтириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида қарор қиламан:

1. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – Экология қўмитаси) **2026 йил 1 март-га қадар:**

(а) Тошкент шаҳрида экологик вазиятни (кейинги ўринларда – экологик вазият) яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш;

(б) мазкур Фармонга иловага мувофиқ таркибда қуйидаги вазифаларни юклаган ҳолда Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора–тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда – Махсус комиссия)ни тузиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин;

(и) Тошкент шаҳридаги экологик вазиятни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш, экологик вазиятнинг ёмонлашиши тенденцияларини прогноз қилиш;

(ii) экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ҳаракатлари-

ни мувофиқлаштириш ҳамда улар ўртасида зарур ҳамкорликни ва маълумот алмашишни ташкил этиш;

(iii) экологик муаммолар бўйича тадқиқотларни мувофиқлаштириш, ушбу муаммоларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ҳамда хорижий ва маҳаллий олим ва экспертларни жалб этган ҳолда замонавий ва самарали усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

(iv) Тошкент шаҳрида экологик вазият мураккаблашган ҳолларда унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган чора–тадбирларни аниқ молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда, шу жумладан, Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан молиялаштиришни таъминлаш;

(v) оммавий ахборот воситаларини (телевидение, радио, интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторлари ва бошқаларни) жалб қилган ҳолда мавжуд экологик ҳолат, унинг аҳоли са-

ломатлигига таъсири ва профилактика қилиш усуллари бўйича тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш;

(vi) Тошкент шаҳрида экологик вазият мураккаблашган ҳолларда уни яхшилашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш.

2. Махсус комиссияга қуйидаги вазифалар берилсин:

(а) табиий чангланиш кучайган пайтда саноат корхоналари, транспорт, иссиқлик таъминоти ва бошқа соҳаларда чекловларни жорий қилиш;

(б) транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш, жумладан:

(i) Тошкент шаҳрида юк ташиш автотранспорт воситалари ҳаракатини вақтинча чеклаш амалиётини йўлга қўйиш;

(ii) автотранспорт воситаларининг, шу жумладан давлат рақамига мос равишда тоқ ва жуфт саналарда ҳаракатланишни чеклаш амалиётини жорий қилиш (электромобиллар бундан мустасно);

(iii) ҳаракатланиши вақтинчалик чекланадиган автотранспорт воситалари турлари, кўчалар ва бошқа ҳудудлар-

ни белгилаш;

(в) атмосфера ҳавоси сифатига салбий таъсир қилувчи моддалар ёққан иссиқхоналар ва бошқа объектлар фаолиятини вақтинча ёки тўлиқ тўхтатиш;

(г) Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудларга қўчирилиши мажбурий бўлган саноат корхоналари ва саноат зоналарини белгилаш;

(д) саноат корхоналари учун ташланмаларнинг рухсат этилган миқдорини белгилаш ва ушбу талабни бузган саноат корхоналари фаолиятини тўхтатиш бўйича белгиланган тартибда чора қўриш;

(ж) қурилиш ишларини амалга оширишга чеклов ва уларга талаблар жорий қилиш, шу жумладан қурилиш вақтида чангни бартараф этувчи ускуналарни ўрнатиш ва бошқа талаблар;

(з) давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини экологик талабларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

(и) оқар сув (дарё, канал, арик) объектларида сув объектлари қирғоқ

Давоми 2 –бетда ▶

■ Ташриф

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ САМАРҚАНДДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Рақамли соғлиқни сақлаш маркази ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиаллари фаолияти билан танишди.

Охириги бир йилда мамлакатимизда тиббиётни рақамлаштириш ишлари бутунлай янги босқичга кўтарилди. Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Рақамли соғлиқни сақлаш маркази очилди. Ушбу марказнинг Самарқанддаги филиалида олиб борилаётган ишлар давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди. Вилоятдаги тиббиёт муассаса-

ларида рақамлаштириш ишларининг бориши, касалликлар, беморлар ва дори воситалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов бериш учун қўлланилаётган дастурий ечимлар ва сунъий интеллект технологиялари, буларнинг барчаси амалда қандай натижалар бераётгани тўғрисида батафсил ахборот берилди. Жумладан, соҳада DMED ягона электрон ахборот платформаси ишга туширилиб,



унга 36 миллион нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилди. Тез тиб-

бий ёрдам хизматида электрон бошқарув йўлга қўйилиб, чакирикларга етиб бориш вақти

қисқармокда. Шунингдек, “Электрон рецепт” тизими фа-

Давоми 4 –бетда ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА
КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА–ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀Давоми. Боши 1–бетда

муҳофаза минтақа зоналарида қурилишни тақиқлаш ва экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқ бошқа ваколатлар.

3. Белгилансинки, Махсус комиссиянинг унга юклатилган вазифалар ва берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган қарорлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

4. Махсус комиссия бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида қурилиш учун ажратилган 500 м² ва ундан ортиқ майдонларда қуйидаги талаблар асосида комплекс текширув ишларини амалга оширсин:

(а) умумий майдонининг 25 фоизи кўкаламзорлаштирилгани;

(б) қурилиш майдонларида сув пурикачилар ўрнатилгани;

(в) қурилиш майдонларининг қириш–чиқиш йўлакларида автотранспорт воситалари гилдираklarини ювиш ҳовузлирининг барпо этилгани;

(г) қурилиш материаллари ва маиший чиқиндиларни ташишда транспорт воситаларининг брезент ёки ПВХ копламали материаллардан тайёрланган тент билан ёпилган тарзда ҳаракатланиши;

(д) қурилиш майдонининг чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талабларни бузиш ёхуд ушбу ҳудудларда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлардан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйилмаётгани.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) майдони 1 000 квадрат метрдан кўп бўлган қурилиш участкаларида фон мониторинг станцияларини ўрнатиш ва уни Экология қўмитасига интеграция қилиш қурилишни давом эттиришнинг энг асосий шarti этиб белгиланади;

(б) Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ёз–қуз мавсумида асосий йўл четларида мавжуд бўлган дарахт ва буталарни куннинг биринчи ярмида ҳамда ҳафтада камида 3 марта ювиш ишлари ва тегишли ҳулосага асосан биотехник тадбирлар амалга оширилади;

(в) жисмоний ва юридик шахслар ўзлари эгалик қилиб турган ер майдони ҳудудида дов–дарахтларни суғориш мақсадида ичимлик сувидан фойдаланиш вақтига қўйилган чеклов (соат 00:00 дан бошлаб, 05–00 гача) баҳор ва ёз фаслларида бекор қилинади. Бунда:

(i) ичимлик сувидан бошқа мақсадларда фойдаланиш бўйича чеклов ўз кучида қолади;

(ii) кўп квартирали уйларга суғориш учун сув резервуарларини ўрнатиш чоралари қўрилади.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳри ҳудудида атмосфера ҳавосининг сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган микроклим барқарорлигини

таъминлаш мақсадида:

(а) Сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда уч ой муддатда пойтахтнинг 4 та йўналишида (шарқ, ғарб, шимол ва жануб қисмларида) камида 3 тадан сунъий кўл ва сув ҳавзаларини ташкил этсин;

(б) Қурилиш ва уй–жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳри ҳудудидаги фавворалар сонини камида 2 бараварга кўпайтириш бўйича алоҳида дастур тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Энергетика вазирлиги бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳри ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги барча иссиқхона объектларига табиий газ етказиб бериш бўйича шартномалар тузилишини ташкил этсин ва узлуксиз табиий газ етказиб берилишини таъминласин.

8. Экология қўмитаси бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин:

(а) майдони 200 м² ва ундан юқори бўлган иссиқхоналарда чанг–газ тозалаш ускуналари носоз ишлаши ёки мавжуд бўлмаганлиги учун маъмурий жарималар миқдорларини юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига 5 бараварга ва жисмоний шахсларга 3 бараварга ошириш;

(б) майдони 200 м² ва ундан юқори бўлган иссиқхоналарда ёқилғи моддалар, материал ва чиқиндилар (шина, битум, мазут, ишлатилган автомобиль мойи плёнка, резина, жун толаси ва бошқалар) ёқилгани аниқланганда иситиш қозонхонасини давлат фойдасига мусодара қилишни назарда тутувчи жиноий жавобгарликни жорий этиш.

9. Белгилансинки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бўйича экологик мониторинг тизими 2025 йил якунига қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштирилади:

(а) 2025 йил якунига қадар атмосфера ҳавоси ифлосланишининг фон мониторинги учун 347 та автоматлаштирилган станция тўғридан–тўғри шартномалар асосида сотиб олинади;

(б) «Air Monitoring Tashkent» платформаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига тегишли 10 та автоматик мониторинг станцияси Экология қўмитаси бошқарувига ўтказилади ва Экология қўмитаси томонидан мазкур платформа негизида «Air Monitoring Uzbekistan» платформаси ишга туширилади;

(в) Экология қўмитаси томонидан «Air Monitoring Uzbekistan» платформасига харид қилиниши режалаштирилган 347 та станция, Гидрометеорология хизмати агентлиги тизимидаги барча кузатув станциялари, шу жумладан, «Замин» фонди қўмагида ўрнатилган 23 та автоматик станция уланади.

10. Белгилансинки:

(а) атмосфера ҳавосининг РМ 2.5 зарралари билан ифлосланиш манбаларини аниқлаш учун Экология қўмитаси

ҳузурида Атмосфера ҳавосини чуқур ўрганишга қаратилган махсус лаборатория (кейинги ўринларда – махсус лаборатория) ташкил қилинади;

(б) махсус лабораторияга ускуналар ва унга зарур бўлган жиҳозлар, жумладан термик оптик таҳлилларни олиб бориш учун термо–оптик анализатор ускунаси ҳамда атмосфера ҳавоси намуналарини йиғиб олиш учун 5 000 дона кварц филтрлар энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан тўғридан–тўғри харид қилинади;

(в) махсус лаборатория учун ускуналар ва бошқа жиҳозлар, автоматлашган кичик станциялар (ТИФ ТН коди 9027), ташламаларнинг автоматик мониторинг станциялари (ТИФ ТН коди 9027), автоматик кузатув постлари (ТИФ ТН коди 9027), чанг–газ тозалаш ускуналари (ТИФ ТН коди 8421), локал сув тозалаш иншоотлари (ТИФ ТН коди 8421) ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар томонидан маиший ҳаво тозалаш ускуналари (ТИФ ТН код 8509 80) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда божхона божидан озод этилади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда автотранспорт воситаларининг атмосфера ифлосланишига таъсирини камайитириш мақсадида бир ой муддатда Тошкент шаҳрида «Евро–4» экологик стандартига жавоб бермайдиган «М» ва «N» тоифасига мансуб, 2010 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини «trade-in» тизими орқали харид қилиш тартибини ишлаб чиқсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

(а) 2026 йил баҳор ҳамда куз мавсумларида Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳрининг 33 км узунлигидаги кичик ҳалқа йўли бўйлаб «Яшил коридор» лойиҳасини амалга оширсин;

(б) 2026 йил 1 апрелга қадар хорижий компания ва илмий–тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда «Яшил Тошкент» мастер режасини ишлаб чиқсин;

(в) Тошкент шаҳрининг 700 та чорраҳасида замонавий, сунъий интеллект ёрдамида ҳаракат оқимини бошқариш имкониятига эга интеллектуал светофор тизимини жорий қилсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Экология қўмитаси, Фанлар академияси, Қурилиш ва уй–жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда Тошкент шаҳрининг барча туманларида «яшиллик» даражаси паст бўлган 3 тадан узунлиги 5 кмдан кам бўлмаган кўчаларни танлаб олиш орқали «Сояли сайр кўча»сини ташкил қилсин.

14. Қуйидагилар:

(а) Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги Экология қўмитаси билан биргаликда бепул асосда атмосфера ҳавоси сифатининг бузилиши, табиий ва антропоген манбаларни аниқлаш бўйича доимий мониторингни йўлга қўйсин;

(б) Кадастр агентлиги Экология қўмитаси билан биргаликда учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида бепул асосда Тошкент шаҳар ва унга туташ ҳудудлардаги қурилиш майдонларида экологик талабларга риоя қилиниши бўйича доимий мониторингни йўлга қўйсин.

15. Ички ишлар вазирлиги 2026 йил якунига қадар республикадаги барча тоифага кирувчи транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш чораларини кўрсин.

16. Бош прокуратура 2025 йил 25 ноябрдан бошлаб 2026 йил 25 мартга қадар мазут, ишлатилган автомобиль мойи ва шинасининг ноқонуний айланмасини олдини олиш бўйича кескин чора–тадбирларни амалга оширсин ҳамда унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экология қўмитаси билан биргаликда **2025 йил 1 декабрга қадар:**

(а) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида ҳаво сифати кўрсаткичлари миллий тавсиявий индексациясини ишлаб чиқиш (яшил, сарик, қизил, жигарранг) ва тасдиқлаш;

(б) тавсиявий индексация асосида ифлосланган ҳавонинг одам организмига таъсирини камайитириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш (маска кийиш ва бошқалар);

(в) ҳаво сифати кескин бузилиши ҳолатларида аҳолини Санитария хизмати томонидан эрта огоҳлантириш тизимини жорий қилиш чораларини кўрсин.

18. Экология қўмитаси икки ҳафта муддатда:

(а) атмосфера ҳавосидаги майда дисперс заррачалар таркибидаги зарарли моддаларни аниқлаш ва уларнинг манбаларини хариталаш ишларини амалга ошириш учун лаборатория ташкил этсин ва замонавий таҳлил жиҳозларини харид қилсин;

(б) маҳаллий ва хорижий илмий–тадқиқот институтлари ҳамда малакали мутахассисларга республикамиздаги ҳаво ифлосланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда ўрганиш ўтказиш (таҳлил қилиш) бўйича давлат буюртмасини берсин;

(в) шамош тезлигини ошириш учун конвекция (атмосферада ҳаво оқимларининг ҳаракати) усулларини қўллаш бўйича тажриба ўтказсин;

(г) конвергент усули ва вентури эффекти (ҳаво оқимининг тор йўлакка қириши натижасида тезлигининг ошиши) орқали шамош тезлигини кучайитириш бўйича илмий, амалий ва инновацион тадқиқот лойиҳаларини бажариш учун давлат буюртмасини берсин.

19. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш.Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 24 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА–ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидларини амалга оширишда шаффофлик ва рақобат тамойилларига риоя этган ҳолда, давлат буюртмачилари ҳамда аҳолини сифатли, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

давлат хариди электрон тизими операторининг электрон тизимида «Farma.harid.uz» модулини (кейинги ўринларда – Модуль) яратиш;

давлат буюртмачилари томонидан дори воситалари ва тиббий жиҳозлар (кейинги ўринларда – фармацевтика маҳсулотлари) бўйича давлат харидларини мажбурий равишда Модуль орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш;

ушбу мақсадларда Модулни дастлабки босқичда «Ўзбекистон республика товар–хонашў биржаси» АЖнинг электрон тизимида жорий этиш.

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

а) давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган фармацевтика маҳсулотлари билан:

дори воситалари бўйича «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» сертификатига эга ишлаб чиқарувчилар;

тиббий жиҳозлар бўйича «ISO:13485» сертификатига эга ишлаб чиқарувчилар;

«Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» сертификатига эга дори воситаларини улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар (дистрибьюторлар) дори воситалари ва тиббий жиҳозлар бўйича давлат харидларида иштирок этишига рухсат берилди, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда фармацевтика маҳсулотлари гувоҳнома ва (ёки) сертификатларнинг амал қилиш муддати давомида ишлаб

чиқарилган бўлиши талаб этилади;

б) фармацевтика маҳсулотларининг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва иштирокчиларнинг сертификатлари «Электрон ҳукумат» идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида Модуль орқали автоматик тарзда текширилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартдан бошлаб Андижон ва Наманган вилоятларида рўйхатдан ўтган давлат буюртмачилари, 2026 йил 1 июлдан бошлаб эса барча давлат буюртмачилари томонидан фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидлари Модуль орқали амалга оширилишини таъминласин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва давлат харидлари электрон тизими оператори билан биргаликда уч ой муддатда Модульда фармацевтика маҳсулотларининг бошланғич нархини аниқлаш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш имкониятларини яратсин;

маркетинг тадқиқотлари тўғри ўтказилишини тизимли мониторинг қилиб бурсин.

5. Фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харидлари жараёнларини янада такомиллаштириш бўйича чора–тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 январдан бошлаб «Pharma.gov.uz» порталида (кейинги ўринларда – Портал):

давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторидан фойдаланиб ҳамда харидлар ҳажмларини кўрсатган ҳолда, барча фармацевтика маҳсулотларининг реестрини;

«Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» сертификатига эга дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар, «Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» сертификатига эга дистрибьюторлар ва «ISO:13485» сертификатига эга тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчиларининг реестрини шакллантирсин ҳамда жамоатчилик учун эълон қилиб бурсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда:

а) давлат буюртмачилари ва иштирокчилар ўртасида тузиладиган давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларда фармацевтика маҳсулотларининг нархи уларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган референт нархларидан юқори бўлмаслигини Модуль орқали автоматик тарзда текширишни жорий қилсин.

Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси мазкур шартномаларни рўйхатдан ўтказишда (ҳисобга олишда) ушбу тартибга амал қилиниши юзасидан мунтазам равишда мониторингни амалга оширсин;

б) давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларда:

дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (ХПН) билан бирга уларнинг савдо номлари ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Порталидаги PharmID рақамларини (кейинги ўринларда – PharmID рақамлари);

тиббий жиҳозларнинг савдо номлари билан бирга уларнинг PharmID рақам-

ларини шакллантирсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар юқори малакали, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:

а) давлат тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш ва қолдиқларини самарали бошқариш бўйича «Электрон эҳтиёж» платформасини ишлаб чиқсин.

Бунда мазкур платформа орқали давлат тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий жиҳозлар оқими назорат қилинади, қолдиқларни самарали бошқариш орқали тиббиёт муассасалари ўртасида қайта тақсимлаш амалиёти йўлга қўйилади;

б) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Модуль ва платформадан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиб, ўзининг расмий веб–сайтида жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқ белгиланаётган тартибдан келиб чиқиб, давлат харидлари бўйича бошқа операторларнинг электрон тизимларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 ноябрь

■ Ўзбекистон спорти жаҳонни забт этмоқда

**ЖАВОХИР СИНДАРОВ: "ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИНИ
ҲАМ ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛАМАН"**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шахмат бўйича Жаҳон кубоги ғолиби Жавохир Синдаров билан телефон орқали мулоқот қилиб, уни тарихий ғалаба билан қутлади.

Ёш шахматчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари сони ва салмоғи ортиб бораётгани, аввало, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган не-не буюк зотларнинг муносиб авлоди экани ҳамда юртимизда азал-азалдан мавжуд маданий-маърифий муҳит, юксак маъ-

навият ва тафаккур мактабининг манتيкий ҳосиласи ва шунинг баробарида, истиклол йилларида ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганининг яққол самарасидир. Ўзбек шахмат тарихида ўзига хос оламшумул натижа қайд этган Жавохир Синдаров

мазкур муваффақият туфайли юртимизга жаҳон кубогини олиб келиш асносида мусобақа мукофот жамғармасининг 120 минг АҚШ долларига ҳам эга чикди. Шунингдек, у 2026 йилда бўлиб ўтадиган "Номзодлар турнири"га йўлланмани қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Синдаров Жавохир Санжарбековичга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони, 3 хонали уй ва пул мукофоти билан тақдирланди.

ЎЗА



■ Ташриф

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ САМАРҚАНДДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛДИ

◀ Давоми. Боши 1–бетда

олиятининг йўлга қўйилиши натижасида ортиқча дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди, дори воситаларининг айланмаси шаффофлашди.

Мамлакат бўйлаб давлат тиббиёт муассасалари замонавий ахборот–коммуникация жихозлари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди. Уч мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси локал тармоқ билан таъминланди. Минглаб янги компьютерлар харид қилиниб, техник база янгиланди.

Президентимиз рақамлаштириш орқали соғлиқни сақлаш билан боғлиқ барча аналитик маълумотларга эга бўлиш давлат учун муҳимлигини, бу – тиббиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, соҳада маблағ ва ресурсларни тўғри тақсимлаш, дори–дармон муомаласини тартибга солиш ва коррупция ҳолатларига барҳам беришнинг муҳим воситаси эканини таъкидлади. Мутасаддиларга бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш бўйи-

ча кўрсатмалар берди.

– Беморлар оқими, касалликлар тузилиши, даволаш сифатини чуқур таҳлил қилиб борсак, биз тизим самарасини янада ошира оламиз, – деди Президентимиз.

Дори воситалари берилишини шаффоф ва тизимли қилиш, шунингдек, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Юртимизда юрак–қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва юқори технологияли тиббий хизматларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда бўлгани каби Кардиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ҳам тубдан янгиланиб, замонавий қиёфа касб этди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан танишди.

Марказни ривожлантириш учун жами 52 миллиард сўм йўналтирилиб, кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда марказ 100 ўринли шифо масканига айланган бўлиб, 262 турдаги тиббий ускуналар би-



лан таъминланган. Хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мобил диагностика тизими йўлга қўйилиб, етти минг нафарга яқин беморда коронарография амалиёти ўтказилди. Лойиҳа доирасида реанимация бўлими, ситуацион марказ ва кутиш зали ҳам замонавий тарзда барпо этилди.

Марказда Самарқанд давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Кардиохирургия йўналишида клиник ординатура фаолияти йўлга қўйилиб, маҳаллий мутахассисларнинг

малакаси оширилмоқда.

Янги имкониятлар туфайли юқори технологияли тиббий хизматлар қўлами сезиларли кенгайди. Хусусан, юрак–қон томир операцияларининг сони йил давомида 383 тадан 590 гача ортди.

Давлатимиз раҳбарига “Инфаркт ва инсультга қарши кураш” миллий дастури тақдироти давомида юрак–қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича статистика, 5 йиллик касалланиш динамикаси, Европа стандартларига мос миллий дастурлар ҳамда тажриба–синов лойиҳаси нати-

жалари ҳақида ахборот берилди.

Ушбу касалликларини барвақт аниқлаш, олдини олиш ва даволаш бўйича ишлаб чиқилган беморларни йўналтириш (маршрутизация) тизими тақдимот қилинди.

Президентимиз бундай марказлар тиббий хизмат сифати ва аҳоли саломатлигини яхшилашда муҳим ўрин тутиши, Самарқандда яратилган тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

<https://president.uz/>

О'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirining B U Y R U G' I

Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida

(O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025–yil 21–noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3706)

O'zbekiston Respublikasining “Inson a'zolari va to'qimalarining transplantatsiyasi to'g'risida”gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025–yil 8–sentabrda PF–161–son “Islohotlarni huquqiy

jihattan ta'minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas'uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora–tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni va O'zbek-

iston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024–yil 13–iyundagi 333–son “Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini transplantatsiya qilishni tartibga solish chora–tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2025–yil 3–noyabr,
2–son

O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirining 2025–yil 3–noyabrda 2–son buyrug'iga

ILOVA

Retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish, retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi

NIZOM

Mazkur Nizom retsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish (bundan buyon matnda tibbiy tekshiruv deb yuritiladi), retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari trans-

plantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliligi to'g'risidagi xulosalarni (bundan buyon matnda tibbiy xulosalar deb yuritiladi) berish tartibini belgilaydi.

1–BOB. UMUMIY QOIDA

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:
retsipiyent — o'ziga nisbatan inson

Давоми 5 –бетда ▶

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirining
B U Y R U G' IRetsipiyent va tirik donorni har taraflama tibbiy tekshiruvdan o'tkazish,
retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga
muhtojligi hamda tirik donorga transplantatsiya amaliyotiga layoqatliliigi
to'g'risidagi xulosalarni berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida

«Давоми. Боши 4— бетда

a'zosining va (yoki) to'qimasining transplantatsiyasi bajariladigan inson;

tirik donor — o'zidan a'zolarining va (yoki) to'qimalarning transplantatsiya uchun olinishiga ixtiyoriy ravishda, bepul asosda, notarial tartibda tasdiqlangan yozma rozilik bergan inson;

transplantatsiya — retsipiyentda mavjud bo'lmagan yoxud shikastlangan, o'zining muhim hayotiy vazifalarini bajarishga qodir bo'lmagan a'zolari va (yoki) to'qimalarni tirik donordan yoki inson muddasidan olingan a'zolariga va (yoki) to'qimalarga jarrohlik amaliyoti yoki muolaja o'tkazish yo'li bilan almashtirish.

2—BOB. RETSIPIYENT VA
TIRIK DONORNI TIBBIY
TEKSHIRUV DAN O'TKAZISH

2. Retsipiyent va tirik donorni tibbiy tekshiruvdan o'tkazish davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalari tomonidan amalga oshiriladi.

3. Retsipiyent va tirik donor o'z xohishiga ko'ra inson a'zolari va (yoki) to'qimalarining transplantatsiyasini amalga oshirish uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024—yil 13—iyundagi 333—son qarori bilan tasdiqlangan Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini

oladigan hamda transplantatsiya qiladigan davlat sog'liqni saqlash tizimining tibbiyot muassasalari ro'yxatida keltirilgan davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalariga (bundan buyon matnda tibbiyot muassasalari deb yuritiladi) murojaat qiladi.

4. Tibbiyot muassasalarining davolovchi shifokori retsipiyent va tirik donor murojaat qilgan kuni:

tibbiyot muassasasiga o'zining tirik donori bilan kelgan retsipiyent bilan dastlabki suhbat o'tkazib, bo'lajak jarrohlik amaliyoti va shu munosabat bilan ularning sog'lig'ida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan asoratlar haqida tushuntirish beradi, retsipiyent va tirik donordan imzolangan tilxat olish orqali ularni yozma ravishda ogohlantiradi hamda uni videoyozuvga qayd etadi;

retsipiyent va tirik donorga tibbiy tekshiruvdan o'tishi uchun davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalariga yo'llanma beradi.

5. Retsipiyent va tirik donor tibbiyot muassasalarining davolovchi shifokori tomonidan berilgan yo'llanma asosida mazkur Nizomning 1—ilovasiga muvofiq davlat sog'liqni saqlash tizimidagi tibbiyot muassasalarida uch oy ichida tibbiy tekshiruvdan o'tishlari lozim.

Agar tibbiy tekshiruvlardan o'tish mud-

dati uch oydan oshsa, retsipiyent va tirik donor tibbiy tekshiruvlardan qaytadan o'tishlari kerak.

6. Tibbiyot muassasasining davolovchi shifokori tibbiy tekshiruv natijalari to'liq taqdim etilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida ularni tibbiy xulosalarni olish uchun tibbiyot muassasasining tibbiy konsiliumiga taqdim etadi.

3—BOB. TIBBIY
XULOSALARNI BERISH

7. Tibbiy xulosalar retsipiyent va tirik donorga tibbiyot muassasalarining davolovchi shifokori, transplantologi, anesteziologi, nevropatologi, zaruratga ko'ra (qaysi ixtisoslik talab etilishiga qarab) boshqa ixtisosliklar bo'yicha shifokorlardan iborat tarkibdagi mutaxassis—shifokorlarning tibbiy konsiliumi tomonidan beriladi.

8. Tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumi tibbiy tekshiruvning natijalari taqdim etilgan kuni:

retsipiyent va tirik donorning tibbiy tekshiruv natijalarini ko'rib chiqadi;

retsipiyentga inson a'zolari va (yoki) to'qimalari transplantatsiyasi amaliyotiga muhtojligi, tirik donorga esa transplantatsiya amaliyotiga layoqatliliigi to'g'risida tibbiy xulosani mazkur Nizomning 2 va 3—ilovalarida keltirilgan shakllarga muvofiq beradi yoki xulosa berishni rad etadi.

Bunda tibbiy xulosalar tibbiy konsilium tarkibidagi barcha mutaxassis — shifokorlar tomonidan bir ovozdan ijobiy maqullangan taqdirda beriladi.

9. Tibbiy tekshiruv natijalariga ko'ra transplantatsiya amaliyoti retsipiyent yoki tirik donor uchun quyidagi salbiy oqibatlar olib kelishi mumkin bo'lsa, tibbiy xulosalar berish rad etiladi:

tirik donorning sog'lig'iga, ko'rish, nutq, eshitish qobiliyatining yo'qolishiga olib kelsa;

inson a'zosining (bundan insonning transplantatsiya qilinayotgan a'zosi va (yoki) to'qimasi mustasno) funksiyalari qisman yoki to'liq yo'qolishiga olib kelsa; ruhiyatning buzilishiga olib kelsa;

mehnat qobiliyatining o'ttiz uch foizdan ortiq barqaror yo'qolishiga olib kelsa;

sog'lig'ining boshqa buzilishlariga sabab bo'ladigan tarzda ziyon yetkazishiga olib kelsa.

10. Tibbiyot muassasalarining tibbiy konsiliumi tomonidan tibbiy xulosalar berish rad etilgan taqdirda retsipiyent va (yoki) tirik donor, tibbiy xulosalar berish rad etilganligi ustidan yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

4—BOB. YAKUNLOVCHI QOIDA

11. Mazkur Nizomning talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradilar.

■ Президент Олимпиадаси

ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИДАН — ЖАҲОН
ОЛИМПИАДАСИГА: ЁШЛАРИМИЗ ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЁН
ЭТАДИГАН КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Олимпия шаҳарчасидаги стадионда Президент Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Катта спорт байрамига чорлов мусикаси янгради. Стадионга ҳудудий саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган спортчилар ва жамоалар, жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинлари чемпионлари чиқиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ нутқ сўзлади.

— Бугун Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган мана шу муаззам Олимпия шаҳарчасида сизлар билан бирга Президент Олимпиадаси ўйинларига старт бермоқдамиз. Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган, бутун юртимиз ёшларини олимпия ҳаракатининг эзгу ғоялари асосида бирлаштираётган ушбу спорт байрами барчамизга муборак бўлсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Ислохотларнинг илк кунлариданок барча соҳалар қатори жисмоний тарбия

ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги саккиз йилда бюджетдан спортга берилаётган йиллик маблағ 250 миллиард сўмдан 3 триллион сўмга ошди, спорт мураббийларининг ўртача маоши 7 баробар кўпайди, 250 дан зиёд йирик спорт объеклари янгидан қурилди, 100 га яқини реконструкция қилинди.

Маҳаллаларда, айниқса, чекка—чекка қишлоқларда 2 мингга яқин спорт



майдончалари барпо этилди, 14 та Олимпия ва Паралимпия марказлари тўлиқ замонавий инфратузилма билан таъминланди. Бу ишлар юртимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиши ва спортни юксак

ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Жумладан, Париж Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мард ва баҳодир

Давоми 6 —бетда»

■ Президент Олимпиадаси

ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИДАН – ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИГА: ЁШЛАРИМИЗ ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЁН ЭТАДИГАН КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

◀ Давоми. Боши 5–бетда

спортчиларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13–ўринни эгаллади. Ана шундай зафарли юришнинг давоми сифатида жорий йилда ёшларимиз жаҳон универсиадасида ҳам 13–ўринни, Баҳрайнда ўтказилган Ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислом бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2–ўринни эгалладилар. Айниқса, ўғил–қизларимиз жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортиқ рекорд натижаларга эришгани юртимизнинг халқаро Олимпия ҳаракатидаги ўрни ва нуфузини яққол кўрсатиб турибди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритгани халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа бўлди.

– Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини юзлаб иродаси мустаҳкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил–қизларимиз яратмоқда. Ана шундай қаҳрамон спортчиларимизга шон–шарафлар бўлсин! Уларнинг боши узра Ватанимиз байроғи ҳамиша мағрур хилпираб турсин! – деди Президентимиз.

Бугунги кунда дунёда барча соҳалар қатори спорт оламида ҳам кескин кураш ва рақобат кечаётгани таъкидланди. Бу эса нуфузли халқаро спорт мусобақалари, жумладан, Олимпия ўйинларига тайёргарлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу ишларни энг қуйи бўғин бўлган маҳалладан бошлаш учун жорий йил беш босқичли оммавий спорт мусобақалари билан 15

минг мактаб ва 9 минг маҳалладаги ўғил–қизлар ўз салоҳиятини намоён қилиш имконига эга бўлди.

Энди энг иқтидорли ёшларни селекция қилиш ва уларни катта спортга йўналтириш бўйича мутлақо янги тизим – Президент Олимпиадаси ўйинлари бошланмоқда.

Мусобақанинг туман ва вилоят босқичларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўғараклари, хусусий спорт клублари ва 310 та спорт мактабидан 100 мингдан ортиқ ёшларимиз иштирок этди.

Энг юқори натижага эришган 3 мингдан зиёд ўғил–қизлар Президент Олимпиадасига келди. Улар спортнинг 10 та йўналиши бўйича ўзаро беллашувларни бошлади.

Ғолиблар махсус совринлар ва пул



миллион аҳоли қамраб олинди. Адаптив спортга берилаётган эътибор туфайли сўнгги уч йилда параспортчилар сони қарийб етти карра ошиб, 70 мингдан ортиқ ногиронлиги бор шахслар оммавий спортга жалб этилди.

Соҳани рақамлаштириш ва шаффофлигини ошириш ҳисобига барча 10

мукофотлари билан тақдирланади. Энг асосийси, улар терма жамоаларга тўғридан–тўғри йўналтирилади.

Аъло даражадаги тайёргарликни давом эттириш учун улар Олимпия ва Паралимпия марказларига қабул қилинади ва ҳар бирига стипендия берилади.

Бир сўз билан айтганда, бундан буён ҳар йили ўтказиладиган Президент Олимпиадаси янги иқтидорларни кашф қилиб, самарали селекция тизимига айланади.

Келгуси йилдан бошлаб, сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий ўйинлар бўйича ҳам мусобақалар ўтказилиб, Президент Олимпиадасидаги спорт турлари 20 тага етказилади.

2026 йилда 46–Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Жаҳон чемпионати ҳамда 2029 йилда Ёшлар Осиё ўйинлари Ўзбекистонда ўтказиладди.

– Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатида халқаро обрў–эътиборини янада оширади. Президент Олимпиадаси тизими эса ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жаваҳир спортчиларни танлаб олишга, хусусан, 2028 йилда Лос–Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир ҳудуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хиз-

мат қилади, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари хушxabарни эълон қилиш учун нутқида танаффус қилди. Шахмат бўйича Жаҳон кубоги финалида гроссмейстеримиз Жаваҳир Синдоров ғалаба қозонгани ҳақидаги янгилик гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Сўзини давом эттирар экан, Президентимиз спортнинг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб ўтди. Турли зарарли ғоя ва таъсирлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

– Мен бу борада спортни тарбиядан, тарбияни эса спортдан айри ҳолда тасаввур этилмайдиغان сиздек ҳурматли спортчилар, фахрийларимиз ва устоз–мураббийларга таянаман, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Олимпиада иштирокчиларига омад ва зафарлар тилади.

Стадионга Ўзбекистон байроғи олиб чиқилди ва қўтарилди, мамлакатимиз мадҳияси ижро этилди.

Олимпия машғаласи ёкилиб, катта спорт байрами бошланди. Тадбир театрлаштирилган маданий дастур билан давом этди.

Маросимдан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев шахматчимиз Жаваҳир Синдоров билан телефон орқали мулоқот қилди.


Давлатимиз раҳбари гроссмейстеримизни Ҳиндистонда ўтган шахмат бўйича Жаҳон кубогида эришган ғалабаси билан ўз номидан ва барча юртдошларимиз номидан қизгин табриклаб, ушбу тарихий воқеа бутун халқимизни қувонтирганини таъкидлади. Ёш спортчимизга келгуси йилда Кипрда бўлиб ўтадиган Даъвогарлар турнирида муваффақиятлар тилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

■ Ибн Синонинг ўлмас мероси

АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИДАГИ АСАБ
ТИЗИМИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРИ

Абу Али Ибн Сино машхур табиб, донишманд олим бўлиб, тиббиётнинг турли соҳаларини чуқур ўрганган. Унинг тиббиётда асаб тизими илмини ўрганиши ушбу изланишнинг асосий мақсади ҳисобланади.



Ибн Сино асаб тизимининг функционал бузилишларига ҳам тўхталиб, невралгия, истерия касалликларининг белгиларини шундай баён қилади. Ҳаяжонланиш, безо-

вталик, уйқунинг бузилиши, бош оғриғи, кўрқув, кайфиятнинг бузилиши. Олим касаллик пайдо бўлишида салбий ҳиссиётларнинг катта роль ўйнашини аниқ кўрсатган. У бундай дейди: «Асаб тизими

узок давом этган ҳиссиётлар таъсирида жуда ҳам таранглашиб, бутун аъзони ҳолдан тойдиради. Бунинг натижасида турли касалликлар юзага чиқади». Ибн Сино бу фикрни тажриба йўли билан исботлаб берган.

У иккита кўзичок олиб, уларнинг бирини одатдаги шароитда сақлаган, иккинчисини қафасга солиб, ёнидаги бошқа қафасга эса оч бўрини қўйган. Ҳар иккала кўзичокка бир хилда ем-хашак бериб боққан. Маълум бир вақт ўтгандан кейин қафасдаги кўзичок бўрининг ҳамлаларидан кўрқавериби озиб кетади ва касалликка йўлиқиб ўлади. Оддий шароитдаги кўзичок эса яшайверади. Шу йўл билан Ибн Сино қафасдаги кўзичокнинг ҳалок бўлишида унинг асаб тизими ишдан чиққанлиги сабаб бўлганини кўрсатади.

Ибн Сино томир уришига қараб кўпгина касалликларни аниқлай оларди. Томир уриши кўп касаллик билан бирга ҳиссиётларда, қувонч ва кўрқув таъсирида ҳам ўзгаришини аниқлаган.

Ибн Сино жонли тажриба ва беморларни бевосита ётоқ жойида доимо кузатиб бориш туфайли ўз замондошларидан илғорлаб кетган.

Хулоса қилиб шунини айтиш жоизки, Ибн Синонинг бой клиник мулоҳазалари ўлмас мерос бўлиб, бир неча авлодларнинг тиббий фикрларини шакллантиради.

Ибн Синонинг асаб тизими касалликлари ва даволаш усуллари бағишланган



фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг катта амалий аҳамиятини йўқотмаган.

Минг йиллар ўтса ҳам инсонлар хотирасида Абу Али Ибн Сино номи ўчмас из қолдирган. Донишманд олим, табобат илмининг Султони Ибн Синони инсоният доимо миннатдорчилик билан эслайди. Улуғ аллома Ибн Сино инсон саломатлигини тиклаш борасида бошлаган буюк ишларини ҳозирги замон тиббиёт ходимлари давом эттирмақдалар.

Саодат АСЛАНОВА,
Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ИНТЕГРАТИВ ТИББИЁТНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

Мен учун халқ табобати бу халқнинг асрлар оша тўплаган ҳаётий тажрибаси, табиат билан уйғун яшаш маданияти ва энг муҳими, Ибн Сино каби улўғ зотлардан қолган улкан илмий меросдир. Инсоният тараққиёти қай даражада юксалмасин, инсон саломатлигини асрашда табиатнинг шифобахш қудрати доим ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Шарқ тиббиёти тарихида Абу Али ибн Синонинг ўрни бекиёс. Унинг “Тиб қонунлари” асари асрлар давомида дунё тиббиётида муҳим манба ва ишончли дарслик сифатида қўлланиб келинди. Унда инсон танаси, унинг касалликлари ва уларни даволашдаги усуллар илмий асосланган ҳолда баён этилган. Мана шунинг учун ҳам аждодимиз номи халқро майдонда, дунё тиббиёт олимлари орасида машхур. Улар қомусий олимнинг ватани — Ўзбекистонга талпинишлари, “Ибн Сино ўқишлари” деб ном олган нуфузли тадбирда жам бўлиб, замонавий тиббиёт ютуқ ва муаммоларини муҳокама қилишлари бежиз эмас.

Мен Ибн Синонинг меросини “инсоният тамаддунининг илмий қомуси” деб атаган бўлар эдим. Унда фақат даволаш усуллари эмас, балки инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг умуминсоний қоидалари ҳам мужассам. Шу боис, биз Бухоро давлат тиббиёт институтида халқ табобатини мустақил йўналиш — фан си-

фатида ўқув режасига киритдик.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг “Абу Али ибн Сино номидаги Халқро жамғарма ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ибн Сино бой меросини ўрганиш тўғрисида”ги қарори алломанинг илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, унинг асосида тиббиёт ривожини жадаллаштириш ва халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган. Фармон жамғармани ташкил этиш ва унинг вазифаларини белгилаб берган бўлса, қарор эса Ибн Сино меросини чуқурроқ тадқиқ қилиш, унинг илмий-маърифий аҳамиятини тарғиб этиш ва халқро миқёсда кенг ўрганишга йўналтирилди.

1999 йил 30 август кун Респубика Ибн Сино жамғармаси тавсияси ва ЮНЕСКО ташкилоти кўмагида институтимиз таркибида “Анъанавий тиббиёт” кафедраси ташкил этилди. Орадан бир йил ўтиб, кафедранинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Унда

ЮНЕСКОнинг бош директори Коичиро Матсуура, Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн, шунингдек, ҳукумат аъзолари ва етакчи олимлар иштирок этди. Бу халқ табобати йўналишига халқро миқёсда берилган юксак эътибор эди, десам муболага бўлмайди. Шундан бери кафедрамиз халқ табобати фанини ривожлантиришда мамлакатда етакчи ўринда келмоқда. Бугун кафедра “Халқ табобати, касб касалликлари ва аллергология” номи билан фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз — халқ табобати меросини замонавий тиббиёт билан уйғунлаштириш. Шу йўналишда қатор ишлар амалга оширилди: 1000 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, 10 дан зиёд дарслик ва 20 дан ортиқ монографиялар яратилди. Шогирдларимиз орасида кўплаб фан номзодлари ва докторлари етишиб чикди.

2024–2025 ўқув йилидан кафедрамиз “Жўйзар” соғломлаштириш маскани ҳудудида янги базада фаолият бошлади. Бу ерда алоҳида бинода “Интегратив ва халқ табобати клиникаси” ташкил этилди. Беморларга халқ табобати усуллари асосида хизмат кўрсатилмоқда. Доривор гиёҳлардан тайёрланган маҳсулотлар патентланмоқда. Айни пайтда 20дан ортиқ гиёҳлар билан ишляпмиз. Тажрибаларимдан келиб айтишим мумкинки, халқ табобати замонавий тиб-



биётнинг муқобили эмас, балки унинг қўшимча, самарадорлигини оширувчи йўналишидир. Дунёда бугун интегратив тиббиёт тушунчаси тобора оммалашаётгани ҳам бежиз эмас.

Кафедрामиз жаҳоннинг кўплаб нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорлик қилади. Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея университетлари билан имзоланган меморандумлар доирасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилди. Келгусида эса халқ табобати йўналишида қўшма таълим дастурларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Изланишларда банд ҳамкасбларимиз келажақ тиббиёти халқ табобати билан катта кучга айланажагини таъкидламоқдалар. Чунки табиатнинг шифобахш қудратидан фойдаланиш инсон саломатлиги учун ҳамisha устувор бўлиб қолаверади.

1999 йилдан буён кафедра томонидан 70 дан ортиқ клиник

ординатор ва магистрлар қабул қилиниб, соҳанинг турли йўналишларида муваффақиятли таълим олиб чикди. Улар халқ табобати билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боришмоқда, амалиётда янги усулларни синовдан ўтказмоқда.

Бухоро тиббиёт институтида Корея тажрибаси асосида ўнта смарт иссиқхона ташкил этилди. “Ақлли иссиқхона”ларда шифобахш женшен етиштирилмоқда. Менинг орзум — халқ табобатини замонавий тиббиёт билан уйғунлаштирган ҳолда, келажақ авлод учун мукамал илмий мактаб яратиш. Бу йўлда Ибн Синонинг мероси биз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Холмурод ҚАЮМОВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти “Халқ табобати, касб касалликлари ва аллергология” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

■Халқаро анжуман

АБУ АЛИ ИБН СИНО БҮЮК

Жорий йилнинг 21-23 ноябрь кунлари Бухоро Давлат тиббиёт институтининг мажлислар залида тиббиёт илмининг асосчиси, дунё тан олган буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино таваллудининг 1045 йиллиги ва «Тиб қонунлари» асарининг 1000 йиллигига бағишланган "Абу Али Ибн Сино буюк мерос ва цивилизация" мавзусидаги XIII Халқаро Ибн Сино ўқишлари илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда 20 дан ортиқ хорижий давлат вакиллари, маҳаллий мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур нуфузли тадбир иштирокчилари, авваломбор, тиббиёт илмининг асосчиси, буюк олим, шифокор ва файласуф Абу Али ибн Синога бўлган ҳурмат ва эҳтиромлари ила аллома туғилган Афшона қишлоғига ташриф буюрдилар. Ўтироф билан айтиш жоизки, Ўзбекистон ва чет эллик иштирокчилар ўз давлатлари миллий байроқлари билан Афшонадаги Ибн Сино ҳайкалигача пиёда боришиб, унинг пойига гулчамбарлар қўйишди. Бу тадбир биринчи "Халқаро соғломлаштириш Ибн Сино Марши – 5000 қадам" тадбири деб номланди.

Сўнгра анжуман катнашчилари Бухоро вилоят мусикали драма театрида "Жавоҳир табиб" пьесасини томоша қилдилар.

Халқаро анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худайровнинг видеотабриги йўланди. Вазир Асилбек

ри Саодат Аслонова ва Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси Нозимхон Махмудовлар сўзга чиқиб, буюк алломамиз Абу Али ибн Синонинг бой ва ўлмас меросига бўлган ўзларининг ҳурматларини



Худайров ушбу нуфузли анжуман билан иштирокчиларни самимий қутлаб, конференция мавзусидан келиб чиққан ҳолда улуг алломамизнинг бой меросига катта эътибор қаратиб, бу бой мерос Ўзбекистоннинг фахри эканлигини эътироф этди. Шунингдек, Бухоро вилоят ҳокими Ботир Зариповнинг иштирокчиларга анжуман табриги ўқиб эшиттирилди. Сўнгра Бухоро давлат тиббиёт институти ректори Шухрат Тешаев, Бухоро давлат университети ректори Обиджон Махмудов, ARCH international Халқаро ташкилот Президенти (АҚШ) Черил Бенгард, Буюк Британия хижаме жамияти Бош қотиби Калим Улла, Ўш давлат университети проректори Элзар Эшаров, Ўзбекистон Республикаси нодавлат таълим муассасалар ассоциацияси раиси Абдулхасан Нурийман, Тошкент давлат тиббиёт университети профессо-

ифода этиб, анжуман ишига омадлар тиладилар.

Тадбир доирасида Ибн Сино жамоат фонди билан Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат университети, ARCH international (АҚШ), "Meros Pharm" ҳамда "Alfraganus University Hospital" ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Тадбир доирасида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда хорижий давлат вакиллари, маҳаллий иштирокчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Учрашувни Бухоро давлат тиббиёт институти ректори Шухрат Тешаев кириш сўзи билан очиб, илмий-амалий конференциянинг мақсад ва моҳиятига тўхталиб, бутун дунё узра ўзининг тиббий илму маърифати ила бой



чексизлигини эътироф этдилар. Албатта, биз ана шундай ўз истеъдодига эга бўлган бетакрор буюк бобокалонимиз билан фахрланамиз. **Лекин шу ўринда, бундай илохий кучни буюк дарғамиз қаердан олди деган ҳақли савол туғилади?** Мен профессор сифатида айтмоқчиманки, бу савол нафақат бугун эмас, кўп йиллардан буён "жавоб излайдиган савол" деб биланман. Сўнгги йилларда Абу Али ибн Синонинг бой ва ўлмас мероси бўйича ўтказиб келинаётган анжуманларда илмий, кенг тафаккурли фарзандни дунёга келтирган отаси ва онаси тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлишимиз кераклигини доимий ўқтириб келмоқдаман. Асосан фарзанд то дунёга келгунча, онасидан муҳим жиҳатларни ўзига олади. Демокчи бўлганимки, Абу Али ибн Синонинг машҳур бўлишида, авваломбор, онасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Таклифим, албатта, дунё тан олган буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг онаси бўлиши Ситорабону тўғрисида ҳам чуқур маълумотларга эга бўлсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Калим УЛЛАХ,
Буюк Британия хижаме
жамияти бош қотиби:

– Авваломбор, сизнинг серкуёш Ўзбекистонингизга илк бор ташриф буюрган-нимдан жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, халқингизнинг самимийлиги, меҳрибонлиги ва меҳмондўстлиги мени лол қолдирди. Шунингдек, тиббиёт илмининг буюк намоёниси Абу Али ибн Сино таваллуд топган кўхна, тарихий замин Бухорога ҳамда олимнинг туғилган Афшона қишлоғидаги ташрифим мен учун бир тарихга айланди десам, хато бўлмайди. Анжуман олди биз аввало, Афшона қишлоғида қад кўтарган Абу Али ибн Синонинг ҳайкали пойига қадамжо қилганимизда биринчи "Халқаро соғломлаштириш Ибн Сино Марши 5000 қадам" тадбирида иштирок этиб ўз давлатларимизнинг миллий байроқлари билан Абу Али ибн Сино ҳайкалигача пиёда бориб, ҳайкалга таъзим бажо айлаб, пойига гуллар қўйдик. У ердан чиқиб Бухоро вилоят мусикали драма театрида "Жавоҳир табиб" пьесасини томоша қилдик. Пьеса драма театри актёрлари томонидан жуда савияли ижро этилганлиги диққатимни ўзига тортди. Кўз олдимда олимнинг сиймоси чуқур гавдаланди. Анжуман ниҳоятда кўтаринки кайфиятда ўтди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худайровнинг

мерос қолдирган буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Синонинг бетакрор истеъдодига алоҳида тўхталиб ўтди. Ибн Сино жамоат фонди раиси Нозимхон Махмудов ва хорижий меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг Абу Али Ибн Сино бобомиз истеъдодига бўлган ҳурматлари ва бой меросларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мазкур анжуман ниҳоятда ўзга хос мазмун ва моҳиятга эга бўлиб, унда иштирок этган юртимиз олим ва мутахассислари ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар ўзларининг куйидаги фикрларини билдириб ўтдилар.

Саодат АСЛАНОВА,
Тошкент давлат тиббиёт
университети профессори:

– Табобат сирларини англашга интилиб, инсон танаси ва руҳиятини тадқиқ этган, юртимиз заминидан туғилиб, башарият илм-фанига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино – жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган сиймолардан биридир. Унинг «Тиб қонунлари» асари асрлар давомида тиббиёт илмининг асосий қўлланмаси бўлиб келгани, фалсафа, астрономия, математика, кимё ва ахлоқшунослик каби соҳаларда ҳам бетакрор ишлар қолдиргани инсоният хотирасида чексиз ҳурмат билан ёд этилади. Бу асарлар минг йилдирки, нафақат юртимиз балки дунё бўйича қўлланма вазифасини ўтаб, замонавий фаннинг шаклланишига асос бўлиб келмоқда. Мана бугунги анжуманда хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар ҳам тиббиёт илмининг асосчиси бўлган Абу Али ибн Синонинг бой ва ўлмас меросига бўлган ҳурматлари

■Халқаро анжуман

МЕРОС ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ

буюк олим шифокор ва файласуф Абу Али ибн Синонинг бой меросига берган эътирофли фикрларидан жуда мамнун бўлдим. Маълумки, Абу Али ибн Сино мероси ЮНЕСКО нуфузли халқаро ташкилот томонидан Жаҳон мероси сифатида тан олинган. Бу албатта, Ўзбекистонликлар учун олий бахтдир. Ушбу анжуманда иштирок этиб, самимий табригимни тақдим этганлигимдан бахтиёрман. Бунинг баробарида ялпи мажлисда “Тиббий хижома терапияси: Ибн Синодан Буюк Британия тиббиёт мактабларига” мавзусида маъруза килдим. Таъкидлашим муҳимки, бизда хижомаларни ишлатиш терапияси бўйича илмий асосда меъёрий ҳужжатлар



протокол ва стандартлар ишлаб чиқилган. Келгусида мазкур стандарт ва протоколларни Ўзбекистон мутахассислари ҳамкорлигида ишлаб чиқишни, 2026 йил биргаликда Хижомага бағишлаб илмий ўқув курсларини ва Халқаро анжуманлари ташкил этишни келишиб олдик. Менинг фикримча, бу йўналишда фақат хижома терапиясига эга бўлган мутахассисгина фаолият олиб бориши керак, деб биламан. Хурсанд бўлдимки, секцияларда олиб борилган муҳим мавзулар деярли ҳаммаси Абу Али ибн Синонинг таълимоти билан боғлиқлиги кенг аудиторияга ўзининг бой меросини бера олди, десам муболаға бўлмайди. Анжуман якунида ўз тақлифларим билан ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришни режа қилиб олдим. Шу ўринда анжуман ташкилотчиларига меҳмондўстлик учун ўзимнинг чексиз миннатдорлигини изҳор этаман.

Шухрат ТЕШАЕВ,
Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти
ректори, профессор:

– Бугунги Янги Ўзбекистонда улуг мутафаккир меросини чуқур ўрганиш, қайта нашр қилиш, ёш авлодга етказиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар ва Бухоро вилоятларидаги илмий марказлар, музейлар, ўтказилаётган халқаро форум ва анжуманлар – буларнинг барчаси буюк аждодимиз Ибн Сино меросини ўрганишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар самарасидир. Давлат миқёсида қўллаб-қувватланаётган тадқиқотлар, халқаро ҳамкорликлардаги илмий лойиҳалар, табобат ва тиббиёт соҳасидаги янги ғояларга очик муҳит – бизнинг буюк аждодимиз меросига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Ибн Синони ўрганиш – бу фақат ўт-

боринги тортади. Ана шу муҳитни Ўзбекистонда кўрдим. Юртингизда бўлаётган ислохотлар ва туб ўзгаришлар тўғрисида чуқур маълумотга эгаман. Эътироф этмоқчиманки, албатта, бундай диққатга молик ишлар Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг одилона сиёсатида деб биламан. Ушбу анжуман мавзусидан келиб чиқадиган бўлсак, тиб илмининг намоён-даси Абу Али ибн Синонинг бой ва ўлмас меросининг кенг аудиторияда маҳаллий ва хорижий давлатлар олимлари томонидан эътироф этилиши таҳсинга лойиқдир. Биз бутун дунёда ўзининг тиб илми билан ҳурмат қозонган Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг яратилганлигини 1000 йиллигини нишонлар эканмиз, бу жуда катта тарихий воқеа. Мен анжуманда “Афшонада Ибн Сино илмий ва маданий соғломлаштириш боғини яратиш” мавзусидаги маърузам билан қатнашдим.



мишни эслаш эмас, балки тараққиёт сари қўйилаётган қадамларимизни мантиқан, илмий асосда мустаҳкамлаш демакдир. Тарихнинг олтин мероси, бугунги ислохотлар ва келажакка қаратилган стратегик мақсадлар уйғунлиги орқали биз нафақат илм-фан соҳасида, балки инсон саломатлиги ва руҳий камолоти борасида ҳам янги даврга йўл очилаётганига гувоҳи бўлиб бораёмиз. Буни биргина Ибн Сино меросини ўрганишга қаратилган амалий ишлар сифатида кўриш мумкин.

Черил БЕНГАРД,
ARCH international Халқаро
ташкилоти президенти (АҚШ):

– Файласуф Абу Али ибн Сино таваллуд топган Бухоро заминиде бўлишнинг ўзи катта бахт. Нуфузли анжуманда иштирок этганлигимдан ғоят мамнунман. Қайси бир давлатга ташриф буюрсангда, авваломбор, у ердаги соғлом муҳит эъти-

йиллар давомида узлуксиз ва тизимли ўтказиб келаётган халқаро анжуманлар нафақат давлатимиз илмий ва маданий салоҳиятини ривожлантириб келмоқда, балки яратилган Миллий «Ибн Сино» бренди орқали Ўзбекистоннинг ички ижтимоий, ташқи сиёсий имиджларини ва инвестицион муҳитини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Мазкур анжуманда миллий ва халқаро тажрибалар таққосланди, Ибн Сино шахси ва бой илмий меросини ўрганишда янги фикр, ғоя, тажриба ва тадқиқотлар бўйича илмий алмашув йўлга қўйилди, тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, 2030 йилда Абу Али ибн Сино таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича илмий-мафкуравий миллий стратегия ишлаб чиқилиши тақлиф этилди. Хорижий ва миллий олим мутахассислар томонидан Ибн Сино жамоат фонди илмий, тарғибот ва халқаро алоқаларни ривожлантиришдаги фаолияти юқори баҳоланди ва Фонд асосида Халқаро Ибн Сино илмий тадқиқот маркази ташкил этилиши тақлиф қилинди.

Элзар ЭШАРОВ,
Ўш давлат университети
проректори:

– Буюк аллома юрти Бухорода ўтказилган Ибн Сино меросига бағишланган илмий-амалий семинар ва ялпи йиғилишларда иштирок этганимдан беҳад мамнунман. Тадбирнинг ташкил этилиш даражаси, мазмуни ва илмий муҳитидаги самимийлик алоҳида эътирофга лойиқ. Ибн Сино – нафақат Ўзбекистон, балки дунё тиббиётининг мустаҳкам пойдеворини яратган буюк зотдир. Унинг илмий меросини замонавий ёндашувлар билан боғлаб, ҳозирги тиббиёт амалиётига татбиқ этиш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар биз учун катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман доирасида мен файласуф олимнинг математика ва физика ривожига қўшган ҳиссаси бўйича маъруза килдим. Жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида Ибн Сино жамоат фонди ва Ўш давлат университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Ушбу ҳужжат доирасида 2026 йилда Ибн Сино фондининг Ўш шаҳрида биринчи хориждаги ваколатхонасини очиш режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Сино ўқишлари илмий-амалий конференцияси тиббиётдаги долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш, илғор тажрибаларни алмашиш ва замонавий ечимларни шакллантириш орқали тиббий салоҳиятни янада оширишга хизмат қилади.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Қисқа қилиб айтганда улуг мутафаккирнинг тиббиётга оид асарлари ва илмий мероси ҳар биримиз учун доимий дастуриламал бўлиб хизмат қилишига ишончим комил. Биз бугунги кунда Ибн Сино жамоат фонди ҳамкорлигида “Афшонада Ибн Сино илмий ва маданий соғломлаштириш боғини яратиш” бўйича лойиҳа устида иш олиб бормоқдамиз. Бугунги анжуманда Ибн Сино жамоат фонди билан ҳамкорлик меморандумини имзоладик. Анжуманда ниҳоятда бой таассуротларга эга бўлдик. Ўйлайманки, бу борадаги ҳамкорлигимиз бардавом бўлади. Меҳмондўстлик учун тадбир ташкилотчиларига ўзимнинг мамнунлигимни изҳор этаман.

Нозимхон МАХМУДОВ,
Ибн Сино жамоат фонди
бошқарувчи раиси:

– Жамоат фондимиз ташаббуси билан

■ Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадри учун

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ



Зафар АБДУЛЛАЕВ,
Болалар миллий тиббиёт маркази
урология бўлими бошлиғи,
тиббиёт фанлари номзоди

– 2014 йилда Тошкент педиатрия институтининг педиатрия иши факультетини тугатдим. 2014–2016 йилларда институтнинг болалар хирургияси кафедрасида клиник ординатурани ўтадим. 2017–2019 йилларда институтининг болалар хирургияси факультети, кафедра-сига ассистент бўлиб фаолият юритдим. 2021 йилдан ҳозиргача болалар миллий тиббиёт марказининг урология бўлими-да бошлиқ бўлиб ишлаб келмоқдаман. Фаолиятим давомида малака ошириш мақсадида Жанубий Кореянинг Пусан

университети клиникасида бир йил да-вомида тажрибамни оширдим. Бундан ташқари, Туркия, Сербия, Ҳиндистон, Австрия каби давлатларнинг етакчи клиникаларида ҳам малакамни бойитиб, тиббий йўналишимдаги турли хил опе-рацияларда иштирок этдим. Кўпчилик ёш шифокорлар хорижий давлат клини-каларида фаолият қилишни орзу қила-ди. Мен ҳам Жанубий Кореяда бир йил давомида бўлганимда у ердаги шароит ва имкониятларни ҳамда халқаро ҳам-касбларимда йўналишимдаги жарроҳ амалиётларини кўриб, мазкур давлатда қолиш режам ҳам бўлди. Лекин, узок ўйлаб кўрсам, Ватан соғинчи, равнақи касбий садоқатимиз халқимиз саломат-лиги учун астойдил хизмат қилиши бўл-ганлиги учун ўз юртимда фаолиятимни давом эттиришни мақсад қилдим. Мана беш йилдирки, Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган Ўрта Осиёда ягона бўлган, Болалар мил-лий тиббиёт марказида болажонлари-миз саломатлиги йўлида фаолият олиб бормоқдаман. Фаолиятимиз давомида шу даражага етдикки, бутун дунёда бизнинг йўналишимизда амалга оши-рилаётган юқори технологик услуб ва мураккаб операция жараёнларини ўзи-мизда бемалол бажариш имкониятиг эга бўлдик. Биз бундан беш йил олдин опе-рацияларни очик усулда бажарар эдик. Эндиликда болалар урологиясида буй-

ракларда, сийдик йўлларида ва қовуқда бўладиган туғма нуқсонларда юқори технологик каминвазив лапароскопик ва эндоурологик оператив муолажалар-рини, ундан ташқари, жинс ривожла-ниш нуқсонларида юқори технологик реконструктив пластик оператив муола-жаларини бажариб келмоқдамиз. Қисқа қилиб айтганда, ушбу оператив муо-лажаларнинг 97 фоизи каминвазив ке-симларсиз яъни лапароскопик ва эндо-урологик усуллар билан амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, бўлимимизда реконструктив операциялар ҳам амал-га оширилади деб таъкидладик. Бун-дай операциялар санокли давлатларда амалга оширилади. Бу реконструктив операцияларнинг оғир тури ҳисобланган қовуқ экстрофиясидир. Ушбу жарроҳ-лик амалиёти бизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар бу турдаги операциялар 50 тадан ошди. Албатта, мураккаб операцияларни амал-га оширишда бугунги талабига жавоб бера оладиган замонавий аппаратлар бўлмаса ҳеч қандай самарадорликка эришиб бўлмайди. Агар ортга назар ташласак, бундан бир неча йил олдинги даврдаги тиббиёт асбоб–ускуналарни бугунги кундаги юқори технологик ва замонавий аппаратларга қиёс қилиш биз учун сир эмас. Бугунги кунда ноёб ва мураккаб амалиётларни бажаришда замонавий аппаратларнинг мавжуд-

лиги ниҳоятда қўл келмоқда. Қисқа қилиб айтганда бўлимимизда даво муо-лажалари, қолаверса, жарроҳлик амали-ётлари учун тиббий аппаратураларимиз етарли. Бўлимимизни 90 фоизини деяр-ли ёшларимиз ташкил этади. Улар ҳам четдавлатлардаги етакчи клиникаларида ўз малакаларини ошириб келишмоқда. Давр билан ҳамоҳанг тарзда замонавий услубларда татбиқ этишда биргаликда бир жону, бир тан бўлиб фаолият юрит-моқдамиз. Олдимизда турган мақсадла-римиздан яна бири роборт одам техно-логияси фаолиятини йўлга қўйиш.

Яқинда Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари кун муносабати билан мамлакатимизнинг кўп сонли тиббиёт ходимлари билан учрашувла-ри бўлиб ўтди. Ушбу учрашувни кўриб, Президентимизнинг биз тиббиёт хо-димларига йўллаган табриклари ва уч-рашувдаги эътирофли фикрлари мени ҳам ёш мутахассис сифатида ниҳоятда илҳомлантирди. Албатта, бундай илиқ фикрларни айтилиши, қолаверса, Дав-латимиз раҳбарининг соҳа ходимлари учун яратаётган имкониятлари ва биз-га бўлган ишончлари Ўзбекистон тиб-биётининг равнақи янада сарбаланд бўлиб, асосий мақсад ва вазифамиз халқимиз дардига дармон бўлиш ҳамда уларни рози қилишдек эзгу ишларда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ЮРТИМИЗ АҲЛИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР
ЯРАТИБ БЕРАЁТГАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА РАҲМАТ

Ёш, интилувчан шифокор Зафар АБДУЛЛАЕВнинг
дилбандига кўрсатган сифатли тиббий хизматидан
мамнун бўлган онанинг дил изҳорлари.

Бемор Навойлик Садия СЕРИКБАЕВАнинг онаси Венера Карабекованинг фикрлари:

– Мен Венера Карабекова Навой шаҳар Ислон Каримов кўчаси 102–уй, 62–хонадонда истиқомат қиламан. Оилам ва уч фарзандим бор. Учинчи фарзандим Садия 2024 йилнинг май ойида дунёга келди. Кун-лар ва оилар ўтиб, қизимнинг

саломатлигида ўзгаришлар бўла бошлади. Худудимиздаги шифо масканига борганимизда тиббиёт ходимлари Садияни тиббий кўрикдан ўтказиш-ди. Уларнинг хулосасига кўра қизимда туғма сийдик копи экстрофияси аниқланди. Ўз худудимиздаги шифохоналар-да даво муолажалари олдик, афсуски ўзгариш бўлмади. Пойтахтимиздаги тиббиёт мар-

казининг бирида даволаниб, ўтган йили октябрь ойида жар-роҳлик амалиёти ўтказилди. Яна қутилган натижаларга эри-ша олмадик. Қизимнинг дарди-га даво излаб Туркия, Москва ва Ҳиндистон давлатларининг соҳа мутахассисларига муро-жаат қилдик. Минг афсуски, уларнинг таклиф қилган опера-ция харажатлари тўғри келмай-диган бўлди. Қизим Садиянинг дардига даво топиш мақсадида ижтимоий тармоқлардан фар-зандимнинг ташхиси бўйича шифокорларни излай бошла-дим. Пойтахтимиздаги Болалар миллий тиббиёт марказининг урология бўлими бошлиғи, ёш шифокор тиббиёт фанлари номзоди Зафар Абдуллаевнинг фаолияти эътиборимни торт-ди. Дарҳол мулоқотга чиқдим. Шифокор Зафар Абдуллаев қизимнинг ташхиси билан та-нишгач, унинг давоси борлиги-ни ва маълум бир муддат даво муолажалари олиш ва сўнгра жарроҳлик амалиётини ўтка-зиш маслаҳатини берди. Олти ой давомида шифокор Зафар Абдуллаев бошчилигида за-

рурий даво муолажаларини олдик. 2025 йилнинг август ойида мазкур марказда ёш та-жрибали шифокор Зафар Аб-дуллаев ва ушбу бўлимнинг тиббиёт ходимлари томонидан мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оши-рилди. Бугунги кунда қизим-нинг аҳволи ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Ҳатто, дил-бандимнинг жарроҳлик амали-ёти бепул ўтказилди.

Дардимизга даво излаб юр-ган бир пайтимизда кўпчилик Ҳиндистонга боришни тавсия қилган эди. Яхшиямки, бошқа юртларга бориб саргардон бўл-мадик. Ўзимизда ҳам ноёб ама-лиётларни бажарадиган Зафар Абдуллаевдек, тажрибали ва ўз устида мукаммал ишлай-диган врачларни борлиги бу фарзандларимизнинг саломат-лиги учун қанчалик қувонч эканлигини англаб етдим. Шифокор Зафар Абдуллаев билан суҳбат чоғида ёш ши-фокорнинг Жанубий Корея ва бир қанча хорижий давлатлар-да бўлиб малакасини ошириб келганлигини гувоҳи бўлдим.

Юртимиздаги ота–оналарга шундай дегим келади. Азиз ота–оналар фарзандларимиз, аввало, ҳеч қачон касал бў-лишмасин. “Иссиқ жоннинг иситмаси бор” деганларидек, агар фарзандингиз дард чекса, бошқа юртларга бориб овора бўлманг! Ўзимизнинг Янги Ўзбекистонимизда қўли енгил ва қалби пок шифокорларимиз борлигини унутманг. Шу ўрин-да айтмоқчиманки, қизим Са-диянинг ташхиси бўйича кўп изланганлигим боис ҳамда За-фар Абдуллаевдек ёш, чаққон, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шифокордан қизимнинг дардига даво топганлигим учун ушбу касаллик бўйича мурожа-ат қилаётган ота–оналар учун ижтимоий тармоқларда гуруҳ ташкил этдим. Бугунги кунда гуруҳ аъзоларимиз билан му-лоқотда бўлиб бир–биримизга ёрдам бериб келмоқдамиз.

Албатта, фарзандларимиз-ни саломатлиги йўлида қай-ғуриб, тиббиёт ходимлари ва юртимиз аҳли учун кенг им-кониятлар яратиб бераётган Президентимизга ўз мамнун-лигимни изҳор этаман.

■ Ўзбекистон тиббиёти – инсон қадрини учун

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРГА ЧИҚИШГА ЗАРУРАТ ЙЎҚ

– 2011 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг тугатиб, 2011–2013 йилларда Республика ихтисослаштирилган травматология ортопедия марказида клиник ординатуранинг ўтадим. 2013–2019 йилларда мазкур марказда кичик илмий ходим бўлиб фаолият юритдим. Ҳозирги кунда марказимизнинг вертебрология бўлими ходими олий тоифали шифокор, умуртқа поғонаси эндоскопияси бўйича маслаҳатчи тренери бўлиб фаолият юртиб келмоқдам.

Беморларга замон талаблари асосида янги услубларни қўллаш мақсадида бир қанча хорижий давлатларда бўлиб, тажрибамни ошириб қайтдим. Жумладан, Жанубий Корея, Хитой, Беларуссия, Россия ва Австрия давлатларида бўлиб янги услуб умуртқа поғонаси каминвазив эндоскопик хирургиясини татбиқ этиб келдим. Бу янги услубимиз яъни умуртқа поғонаси инвазив эндоскопик хирургияси бемордаги умуртқа поғонаси бел қисми, умуртқалар аро диск чурраси амалиётини бажаради. Албатта, бу амалиёт осонликча бажарилмайди. Унда майда асаб толалари, шунингдек, диск чуррасининг жойлашиши ва уни баргараф этиш шифокордан катта масъулият талаб этади. Бу янги услубнинг яна бир қулайлик томони амалиётни бажарётганда шифокор мониторингда кўриниб турган бемордаги барча ҳолатларни кузатиб боради. Энг қулай

томони шундаки, бу жараёнда кесарлар ёки қон кетишлар кузатилмайди. Бемор операциядан чиқгач, оғриқлардан халос бўлади. Бир кун ёки икки кун оралиғида ўзи мустақил юра бошлайди. Шундай ҳолатларга дуч келмоқдамизки, беморларимиз касалликни ўтказиб, умуртқа поғонасидаги бел қисми умуртқалараро диск чуррасини меъёрдан ортиқ катта-лаштириб келадилар. Агар ўз вақтида шифокорга мурожаат этилса, дард азобидан қийналишмайди. Яна шуниси борки, оғриқдан азобланган айрим беморларимиз юртимиздан шифо топа олмадим деб, хорижий давлатларга боришни орзу қилишади. Лекин, бошқа давлатларга бориб операция қилиш жараёнигача бўлган сарсонгарчилик ва маблағларнинг етишмаслиги касалликнинг янада зўрайиб кетишига сабаб бўлади. Биз шифокорлар Юртбошимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб им-

кон қадар халқаро ҳамкорларимиз билан тажриба алмашиб олган билим ва илмий салоҳиятларимизни ўз юртимизда халқимиз саломатлиги йўлида татбиқ этишимиз зарур деб биламан. Шу кунга қадар янги қўллаётган услубим умуртқа поғонаси каминвазив эндоскопик жарроҳлиги бўйича 3 000 дан ортиқ операцияни амалга оширдик. Албатта, бу жараёнларни айнан ўзим эмас бўлимдаги ҳамкасбларим билан биргаликда олиб бормоқдамиз. Келгусидаги режаларимиз янада изланишлар олиб бориб, йўналишимиздаги касалликларни олдини олиш ва амалдаги жарроҳлик амалиётларини янада янгича услубларда олиб боришдир. Бундай мураккаб ва оғир операцияларни амалга оширишда замонавий аппаратураларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бундан бир неча йил олдин бу амалиётларни бажаришда янги технологиянинг етишмаслиги ишларимиз самарадорлигига салбий таъсир қилар эди. Кейинги уч-тўрт йилда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларига кириб келадиган янги технологиялар ишимизни ниҳоятда енгиллаштириб беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимиз аҳлига шундай дегим келади. Оғир дард чексангиз ҳам хорижий давлатларга чиқишга зарурат йўқ. Чунки ўз юртимизда малакали тиббиёт ходимлари, замон талаблари даражасида жиҳозланган шифо масканлари



Шомансур ШОТУРСУНОВ,
Республика ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия
илмий-амалий тиббиёт маркази
вертебрология бўлими шифокори

ҳамда давлатимиз томонидан берилаётган имтиёزلарнинг барчаси Президентимиз таъкидлаганидек, инсон қадрини ва саломатлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...



Тошкент шаҳар Бектемир туманида
истиқомат қилувчи Альфия
АБДУРАҲМОМОВАнинг дил изҳорлари

– Авваломбор, оғир дард ҳеч бир инсонни ётгулик қилмасин экан. Бундан 4–5 йил олдин умуртқа поғонам соҳасидаги оғриқ кучайиб, юролмай қолдим.

Пойтахтимиздаги бир қанча шифо масканларида даволаниб чиқдим. Афсуски, саломатлигим тикланиш ўрнига умуртқа поғонаси бел қисмимдаги умуртқалараро диск чурраси катталиги меъёридан ошиб, соғлигим янада оғирлашиб қолди. Барча яқинларимнинг маслаҳатига кўра, хорижий давлатларга бориб, операция қилиш фикригача бордик. Сўраб–суриштирганимизда, хорижий клиникаларда даволаниш харажатлари каттагина маблағ талаб этишини маълум қилишди. Аммо бу маблағлар менда йўқ эди. Дард азобидан қийналгач, тажрибали шифокорларни излаб топишга мажбур бўлар экансан. Менга бир яқин танишим Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида тажрибали врач-травматолог, тиббиёт фанлари номзоди Шомансур Шотурсунов фаолият олиб боришини айтди. Тўғриси айтсам, мазкур марказга оёқ билан эмас, ётоқ ҳолатда келдим. Оғриқ азобидан қийналиб, кўзимга дунё қоронғу бўлиб яшашдан умидимни узган эдим. Ёш бўлсада, тажрибали шифокор Шомансур Шотурсунов таҳлил натижаларини кўриб, тезда операция қилиш зарурлигини айтди. Тиббий-кўрикдан сўнг даво муолажаларини қабул қилдим. Малакали шифокор Шомансур Шотурсунов ва барча тиббиёт ходимлари томонидан умуртқалараро диск чуррам янги услуб, умуртқа поғонаси каминвазив эндоскопик жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Операциядан 3 соат ўтгач, кўзимни очсам, оғриқлардан халос бўлганман. Бир кун ўтгач, ўз оёқларим билан юра бошладим. Ҳатто хурсандчилигимдан йиғлаб юбордим. Юртимизда шундай қўли

енгил, ўз касбига садоқат билан ёндашган тиббиёт янгиликларини мамлакатимизда татбиқ этаётган тажрибали травматолог Шомансур Шотурсуновдек шифокорларимиз борлигидан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Бу ёш шифокорлар бундай оғир операцияларни қандай амалга оширар экан, деб кўп ўйлардим. Билсам, касбини севган шифокорлар хорижий давлатларда бўлиб, энг сўнгги технологиялардан фойдаланиб, ҳамкор ҳамкасблари билан биргаликда мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариб, юртимизда татбиқ қилишар экан. Жумладан, Шомансур Шотурсунов ҳам Жанубий Корея, Хитой, Беларуссия, Россия ва Австрия каби давлатларда бўлиб, илғор тажрибаларини Ўзбекистонимизга олиб кирганлигини гувоҳи бўлдим. Мана бугун мен соғлом ҳаётга қайтдим. Ҳатто ўз севган касбим бўйича сиртқи таълимда таҳсил олмақдам. Авваломбор, ўз халқи саломатлигини ўйлаб, тизимда барча шароит ва имкониятларни яратиб, шифокорларимиз меҳнатини қўллаб-қувватлаётган Президентимизга миннатдорлигимни билдираман. Юртимиз аҳлига ҳеч қачон касал бўлманг дейману, лекин бевақт саломатликка раҳна солган дарддан халос бўлиш учун фақатгина Ўзбекистонимиздаги шифокорларимизга мурожаат қилишларини ва даво муолажаларини, жарроҳлик амалиётларини ҳам шу ерда олишларини сўраб қоламан.

Эътироф билан айтмоқчиманки, юртимизда кўплаб қўли енгил ва ўз касбига садоқатли тиббиёт ходимларининг борлиги, бу албатта, Янги Ўзбекистон тиббиётининг янада равнақ топиб бораётганлигидан далолатдир.

■Меҳнати таҳсинга лойиқ

Навоий вилояти

Қуюқ туманлар орасида Тошкентдан Туркияга учган самолёт бортида бир йўловчининг соғлиги ёмонлашди. Шунда стюардесса қиз шошиб қолди ва бортдаги йўловчиларга “орангизда доктор борми” дея ташвиш билан сўрай бошлади. Дархол ўрнимдан туриб, беморга биринчи ёрдам кўрсатдим... Ўғлим бу ҳолни кузатиб туриб хурсанд бўлди, онажон касбингиз қанчалар ҳавас қилгулик савобли касб, қанчадан-қанча одамларга исталган вақтда, истаган жойда ёрдам бера оласиз, – дея фахрланди.

Инсон қобилияти ва билимига қараб ўзи истаган касбни танлайди. Аммо шундай касблар борки, уни эгаллаган мутахассис доимий элнинг хизматида бўлиб, кўпнинг дуосини олиб яшайди. Эҳтимол, Ҳакима опанинг эришган ютуқлари, саодатли умри ортидаги сир ҳам унинг беморларни дардига шифо топишига қўмакдош бўлганидир? – Ахир айтадилар-ку, кўпнинг дуосида хизр бор, деб... У эса кеча-ю кундуз одамлар дардига шифо излади, қанчадан-қанча беморларнинг оёққа туришига сабабчи бўлди, минглаб қўллар дуога кўтарилиб унга яхшиликлар тилади...

– Иш вақти тугади, деган тушунча менда бўлмаган, – дейди, **3–тиббий санитария қисми катталар поликлиникаси мудири Ҳакима Ўринова**. – Шифокорлик шундай касбки, ишни тугатиб уйга келганингда ҳам эрта-ю кеч эшик тақиллайди, унинг ортида нажот кутиб, умид билан қараб турган одамларнинг нигоҳлари мени сергаклантиради, ярим тунда уйқуни бахридан кечиб тезкор йўлга отланиб беморнинг аҳволини йўл-йўлакай сўраб билиб, оғриқдан қийналиб ётган касалнинг жонига оро киришга, дардини енгиллатишга ҳаракат қиласан одам... Қачонки оғриқдан инграниб ётган касал ҳаловат топиб, сенга миннатдор қараганда, қўлингиз асло дард кўрмасин, деган сўзларни пичирлагандагина енгил тортиш нима эканлигини шифокорлик касбининг нонини ҳалоллаб еганлар билади, – дейди у.

– Доктор ёрдам беринг, деб келганларнинг кўплари қўшнилари, бошқарма, кон ишчилари ва бошқа таниган, танимаганлар бўлади. Кўпига қайта-қайта бориб касаллик тарихини билиб муолажасини ўтказиб уйга қайтунимча тонг ҳам отарди. Хўжайиним раҳматли бирга ишлаганимиз боис, ҳеч қачон бундай қакирувлардан норози бўлмас, аксинча, доим қўллаб-қувватлар эдилар. Зарафшон шаҳрига келиб, шу ерда иш бошлашимга ҳам аслида у киши сабабчи эди. Биз асли Бухоро вилояти Гиждувон туманининг “Зарафшон” колхозида туғилиб вояга етганмиз. Ўрта мактабни тугатиб, бўлгуси умр йўлдошим Болтаев Исмат Жонпўлатович Тошкент Политехника институтига кириб ўқишни битиргач, марказий кон бошқармасига ишга ўтдилар ва мен ҳам тиббиёт институти битириб келиб мутахассислигим бўйича шу ерда иш бошладим. 1985 йил Тошкентдаги тиббиёт институтининг “Даволаш” факультетини тамомлаганман ва ўша йили Зарафшон шаҳрига ишга жойлашганман. У йилларда бизларга мутахассислар етарли бўлмаганлиги сабабли Москва ва Россиянинг турли шаҳарларидан бир қанча врачлар келиб ишлаб кетишар эди. Ўша пайтларда мен тиббиёт институти ту-

гатиб келган мутахассис бу ердаги биринчи ўзбек врач бўлганман. Ишлаш давомида беморларни қабул қилишда маҳаллий аҳолининг рус мутахассислар билан тўлиқ гаплаша олмаганлиги сабабли менга навбат жуда кўп бўлар эди. 1985–1990 йиллар давомида мен катталар поликлиникасида бўлим терапевти бўлиб ишлаганман. Биринчи ишга кир-

ИНСОНЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛГАН ҲАКИМА ОПА

ган вақтимда мени поликлиникамизнинг бўлим мудири Любовь Константиновна жуда яхши кутиб олган эдилар. У кишидан касб сирларини ўргандим, устозлик қилиб анча иш ўргатдилар. Шу ерда 5 йил терапевт бўлиб ишлаганман сўнг устозим ишонч билдириб, ўз иш ўрниларини, яъни бўлим мудираси лавозимини менга берганлар. 1990 йилдан бери бир ерда соҳамни давом эттириб келмоқдам.

Ҳакима опада касбига муҳаббат болалигидан уйғонган. У 1960 йилларда 5 ёшида пневмания билан хасталанган. У пайтларда пенциллин шишаларидан кўп фойдаланилганлиги, болалигида ўша шишаларни йиғиб, анорни сувини сиқиб тўлдириб одамларга таркатгани ва энди сизлар касал бўлмайсизлар, шуни ичиб юринглар, деганини, оиласидагилар кўп гапиришган. Эҳтимол ана шу воқеалар унга келажаги пойдеворини қўйишга асос бўлгандир?.. Қолаверса, у даврларда қизларни ўқишга юборишга камдан-кам ҳолларда рухсат берилган. Аммо Ҳакима опадан ташқари оиласидаги 5 қиз яъни опа-сингиллари ҳам педагогика институти битиргани, акаси ва ўзи шифокорлар эканини ҳисобга олсак, уларнинг оиласида ўқишнинг қадри анча баланд бўлганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, катта оиланинг иккинчи келини ҳам шифокор бўлиб, бу хонадонга шифо истаб келувчилар кўп бўлгани, акаси ва янгалари маҳалладошларига имкон қадар ёрдам қўлини чўзиб келишгани Ҳакима опада ҳам тиббиёт соҳасига бўлган қизиқишни оширган.

– Қишлоқда акамни ҳамма сўраб келаварарди, – деб хотирлайди **қахрамонимиз**. – Ярим тун бўлса ҳам биринчи ёрдам кўрсатадиган қора портфеллари бўлар, ўшани олиб, одамларни дардига



рижда ўқишяпти, ишлашяпти, мен билан доимий мулоқотда, ҳол-аҳвол сўраб қўллаб-қувватлашади. Болаларим мени касбимдан ва мендан жуда фахрланишганини кўриб севинаяман. Икки йил аввал катта ўғлим Туркияга дам олишга олиб борди. Ўша ерда ҳам дам олиш давомида у ерлардаги беморларга қўлимдан келганча ёрдам берган эдим. Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон чегараларимиздан ҳам мусулмонлар борар эди. Қай бирини тоби қочса дархол ёрдам кўрсатишга уринганимдан ҳар гал кўчага чиқганимда мени улар ўша ернинг шифокори, деб ўйлашган экан.

Катта ўғлим Россияда истиқомат қилади. Тошкентдаги халқаро иқтисодиёт институти туғатиб, Москвага магистратурага ўқишни давом эттиришга кетган эди, ўқишни тугатиб ўша ерда ишлаб қолди. Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Аёли ҳам зарафшонлик. Қизим Наргиза Тошкент иқтисодиёт институти туғатган. Тошкент шаҳрида яшайди. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. У иқтисодчи бўлиб ишлайди. Кичкина фарзандим Томскдаги институтда ўқиди. 2–мутахассислик бўйича ҳам ўқишяпти. Ҳозир 3–босқич талабаси. Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Келиним Техника университетни туғатган. Ҳозирги кунда уйда болалар тарбияси билан машғул. Менга ота-онам, турмуш ўртоғим ва қайнота-қайнонамдан олган тарбия-фарзандни ўқитиш, олий маълумотли қилиш, яхши касбга йўналтириш бўлди. Ўқишни қанчалар катта бахт ва ҳаётда муҳимлигини болаларимга ҳам ўргатдим.

Турмуш ўртоғим оиласида ҳам раҳматлик қайнотам доктор бўлганлар. Шунинг учун ҳам менга безовта бўлиб бемахалда мурожаат қилган беморлар билан боғлиқ вазиятларни хўжайиним тушуниб, индамас эдилар. 3–боламга уйда таътил вақтимда марказий кон бошқармасида Галина Петровна исмли аёл ишлар эди. У киши онкологик касаллик билан хасталаниб, мени кечаси бир неча марта уйларига қақирар эдилар. Беморда нафас етишмовчилиги кўп бўларди. Шунда мен кичкина боламни ҳам бирга олиб кетар эдим. Шу болам ҳам Галина Петровнанинг қийналишларини кўрар, ўзича митти юрагида ачиниш ҳисларини туяр эди. Ўша йиллари август ойи эди. Ўғлимизни суннат туйини ўтказамиз деб турган эдик. Туйга тайёргарлик вақтимизда опани касаллигини кўрган ўғлим, онажон шу туйни қилмасакчи, биз кетсак касал опамиз қийналадилар-ку, деб касалдан хавотир

■ Меҳнати таҳсинга лойиқ

Навоий вилояти

ИНСОНЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛГАН ҲАКИМА ОПА

олар эди. Турмуш ўртоғим билан таътил давомида 2 ҳафтага ўғлимни туйини ўтказиш учун Гиждувонга бориб келдик. Шу вақт оралиғида Галина Петровна вафот этган эканлар. Ўғлим, кетганимиз учун шундай бўлди, деб роса хафа бўлган эди ўшанда. Фарзандинг ҳаққоний инсоний сифатларга эга бўлиб тарбия топса, ота—онага раҳмат олиб келса, мана шу умр йилларинг беҳуда кетмагани, одамларга қилган яхшиликларингга яхшилик қайтганидир деб уйлайман...

Ҳакима опа ниҳоятда ўз касбини яхши кўради. — Тиббиёт соҳасида ишловчилар камида 3 соат китоб муталаа қилишлари керак, дея таъкидлайди. Доимий китобхонликни давом эттириб келаётгани, ҳам касбий, ҳам бадиий китобларни ўқишни яхши кўришини мамнуният билан айтади. Шунингдек, у ўзи билан ишлаётган ҳаммасларга, ёшларга, бир кунда камида 1 соат тиббиёт соҳасидаги китобларни ўқин-

лар, — деб таъкидлайди. Чунки тиббиёт соҳаси ҳар куни янгиланишда, ҳар соатда янгича услуб ва ўзгаришлар, янги билим ва кашфиётлар соҳада содир бўлади. Ўз касбини ҳаққоний эгаллайман деган тиббиёт вакили буни билиши керак. Ана шунга амал қилган қаҳрамонимиз фаолият юритаётган поликлиникада 45 та мутахасис ишлайди. Ҳар 5 йилда улар ўз малакасини ошириб келади. Ўқиш эса бу жараёнларда айниқса муҳим.

— Иш соҳамга мана 40 йил бўлсада, ҳамки, соҳага кимлар ишга келганини, ким қайси кийимда келганини ва қандай салом берганигача эсимда қолган, — дейди у. Раҳбариятимиздан миннадорман, доим мени тинглаб, қўллаб келишган. Иш сўраб келганларни имкон қадар қайтармас эдик. Тиббий кичик ҳодимлар учун кам иш ўрни ажратилар эди. Яқинда ҳам бир—икки йиллар давомида тиббий кўригимизда асаб ка-

салликлари врачлари етишмас эди. Мана яқин кунларда шу соҳани мутахасисини суҳбат асосида ишга қабул қилдик. Бугунги кунда жамоамизда 45 нафар врач, 150 нафар ҳамшира ва 25 нафарга яқин санитар хизматчилар ишлаб келмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ишлаб чиқаришда тиббий пунктларимиз бор. Ишлаб чиқаришда касб касалликлари келиб чиқмаслиги учун ҳамма шароитлар қилиб берилган. Биринчи навбатда ишга киришда ходим белгиланган тиббий кўрикдан ўтказилади. Бундан ташқари, ҳар бир ишчи, у қайси ишда ёки лавозимда ишлашидан қатъий назар ҳар йили тиббий ва тақририй кўриклардан ўтади. Ҳар битта ходимни обдон текшираемиз. Агар беморимиз аҳволи оғирроқ келса, унда ҳам бизнинг Тошкент шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тассарруфидаги касб касалликлари институтида касб касаллиги билан оғринганлар учун бепул тиббий муасса-

самиз фаолият юритади. Ўша ерга юбамиз. Лекин охириги 10 йил ичида касб касаллиги билан оғринган беморлар деярли бўлмади.

Ҳакима опа элнинг назарига тушишига меҳнат ва машаққат, сабр ва тоқат билан эришди. Ўтган йили Ҳакима опага 8-март байрамида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони берилди. Қаҳрамонимиз одамларга яхшилик қилиб яхшилик топган, қалбида Аллоҳни унутмаган, ўзига чиройли тақдир насиб қилганидан бахтли, оиласидан, касбидан, яқинларидан кадр топиб, ардоқда яшаган инсон. Бугун юзлаб шогирдлари ундан касб сирларини ўрганди, ўрганмоқда. Ҳавас қилса арзигулик мазмунли ҳаёт кечирган шифокор ҳамон кўпнинг дуосини олиб, эл хизматида тиним билмай келмоқда. Ҳакима опадек ўз касбини севган ва садоқат кўрсатган соҳа ходимлари кўп бўлган жойда эса касалликлар бўлмайди.

ШАРАФЛИ КАСБНИНГ ЧИНАКАМ ФИДОЙИСИ

Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар шифохонаси шаҳарда ягона бўлиб, бу ерда юқори нафас йўллари шамоллаши, ичак инфекциялари ҳамда гепатит касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Бўлимда 3 нафар олий тоифали шифокор, 18 нафар ҳамшира ҳамда 13 нафар кичик тиббий ходимлари уч сменада, 8 соатлик иш режимида фаолият кўрсатмоқда.

Шифохонанинг олий тоифали ҳамшираси Дилбар Қиличева қарийб ўттиз йиллик тажрибага эга. Йиллар давомида у жуда кўп беморларга айниқса, шифо излаган болаларга ёрдам берди. Ҳалигача ҳам ўз касбига садоқат билан Зарафшон шаҳрининг кўп миллатли аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган Дилбар опа болалигидан оқ халат кийиб инсонларни даволашни орзу қилади. Отаси Бахрон ака ва раҳматли онаси Зухра опалар шу кизи вақтлар ўтиб қўли енгил ва ҳар қандай вазиятда беморларга беминнат кўмак беришга тайёр ҳамшира бўлиши учун барча шарт—шароитларни яратиб берадилар. 1997 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Бухоро тиббиёт билим юртида таҳсил олган Дилбар Бахроновна мазкур билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Шофиркон туманидаги юқумли касалликлар шифохонасида ҳамшира сифатида илк меҳнат фаолиятини бошлайди. Аввалига назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш қийин бўлади. Лекин у чиникди, устоз шифокорлар ва тажрибали ҳамширалардан сабоқ олди. Ҳар бир бемор унинг учун

янги синов, янги сабоқ бўлди. Ўшандаёқ Дилбар Бахроновна ёш бўлишига қарамай, шифокор кўрсатмаларини аниқ бажариши, беморлар тилида “қўли енгиллиги” билан жамоада ҳурмат қозонди. Мураккаб даволаш усуллари унинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлади.

1999 йилда эса турмушга чиққан ёш ҳамшира ўз меҳнат фаолиятини 3-тиббий санитария қисмида давом эттира бошлади. Бу жамоадаги ҳамширалар орасида ҳам беморларга ўз вақтида дори—дармонларини бериши ва бенуксон ҳаракатлари билан уқолларини ўтказиши тезда кўзга ташланди. Фаолияти давомида касбга меҳр қўймасдан туриб, малакали мутахассис бўлмаслигини англагани боис, ҳар бир беморга хушмуомалалик билан муносабатда бўлиб, енгил ва ўта хушёрликда ҳаракат қилишга одатланди.

— Халқимизнинг кўз ўнгида ҳамшира деганда ораста, қўли енгил, сўзи ширин, юзи қулиб турадиган ва ҳар қандай вазиятда беморга беминнат кўмак беришга тайёр, бир сўз билан айтганда олижаноб касб эгалари гавдаланади. Шунинг учун ҳамширалик — масъулиятли ва шарафли касб ҳисобланади менимча. Шифо излаганларга соғлом ҳаёт бахш этиш, оила-

ларга қувонч улашиш бахти насиб этганидан жуда хурсандман, мен ўз ишимдан фахрланаман, — дейди **самимийлик билан Дилбар опа**. Шифохонамизда турли ёшдаги беморлар даволанади. Мен кўпроқ болалар саломатлигига жавобгарман. Ҳар бир беморнинг тузалиб кетишида ҳамшира ва шифокорлар қаторида улкан масъулиятни ўз зиммасига олади. Беморларни парваришlash, уларни текшириш, вазиятни баҳолаш, шунингдек, шифокорларнинг барча кўрсатмаларини бажариш, диагностика муолажаларини амалга ошириш, шошилиш ёрдам кўрсатиш вақтида ўзи мустақил равишда белгиланган тартибда ёрдамни амалга ошириши лозим. Юқумли касалликлар шифохонасида ишлаш осон эмас. Баъзида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ярим тунда иссиқлик ҳарорати ошиб кетган оғир касаллар келади. Шифохонада кечаю—кундузи чироқ ўчмайди. Баъзи сменаларда Дилбар опанинг назоратидаги болалар сони 30 нафардан ошиб кетади. Ҳар бир бемор боланинг тузалиб кетиши учун вақт, эътибор ва меҳр зарур.

— Дилбар Бахроновна масъулиятлиги, муомала маданияти, орасталиги билан жамоадаги ёш ҳамшираларга намуна ҳисобланади, — дейди **бўлим катта ҳамшираси Олима Шодмонова**. Бўлимимизда даволанаётган беморлар, аксарият болалар “Менга Дилбар опа уқол қилсин, томирга тез тўшади, оғритмайди”, дейишади. Дилбар опа нафақа ёшига етиб қолган бўлсалар ҳам ёшлардек ҳаракатчан. Шифохонамизда даволанган ҳар бир боланинг



соғлом қадами ва табассуми ортида опамизнинг ҳам катта меҳнати бор деб ўйлайман. Албатта, инсон ҳаёти энг нозик чегарада турган бир паллада шифокор ва ҳамшираларнинг ҳар бир ҳаракати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу мураккаб ва масъулиятли жараёнда Дилбар Бахронованинг меҳри ва меҳнати қўллаб инсонларга соғлом ҳаёт бағишламақда. Йиллар давомида орттирган тажрибаси эса ёш кадрлар учун ҳаётий мактаб вазифасини ўтамоқда. Дилбар опа фарзандлари тарбиясига ҳам ўта масъулият билан қаради. Кўп йиллардан буён еттинчи гидрометаллургия заводида меҳнат қилиб келаётган Мардон ака Турсунов билан ҳаёт ташвишларини елкама—елка енгиллаб баробарида 2 ўғилни ақлли, илмли, жамиятга керакли шахслар қилиб тарбиялади. Айни вақтда катта ўғли Максуджон пойтахтда олий маълумотли иқтисодчи, келини Мафтунахон тиббиёт олийгоҳида 6-босқич талабаси. Кичик ўғли Равшанжон Корёя давлатининг жаҳон тан олган университетларидан бирида таҳсил олмоқда.

Биз опа билан касб танлаши, оиласи ва ҳозирги замон талаб этаётган ҳамширалик иши ҳақида анча суҳбатлашдик. Опанинг танлаган касбига меҳри, бугунги кун талабига бўлган ўз қарашлари, фикрлари борлигидан тўғриси, ҳайратландим. Ҳайрати, шижоати ичига сиғмайди. — Шифокорлик шундай касбки, ишни тугатиб уйга келганингда ҳам эрта—ю кеч ё эшик тақиллайди ёки телефон кўнғироғи тинмайди. Шундай вақтларда мени тўғри тушунган ва менинг касбимни ҳурмат қилган турмуш ўртоғимдан миннатдор бўламан. Доим менга ишониб, нажот билан қараб турган инсонларнинг нигоҳлари мени сергаклантиради, оғриқдан қийналиб ётган касалнинг жонига оро киришга, дардини енгиллаштишга ҳаракат қиламан дейди.

Бир зум бўлсада юртга ёрдамим тегса деб ўйлайди, меҳнат қилишдан чарчамайди. Мен билан суҳбатлашяпти-ю, зўё беморларига уқол ўтказиш вақти ўтиб кетаётгандек ҳис қилиб, тез-тез қўл телефонидаги соатиغا қараяпти. Ҳа, у шарафли касбнинг чинакам фидойиси.

■Тиббиёт фидойилари

Хоразм вилояти

КАСБГА САДОҚАТ КЎРСАТИБ...

Хар бир инсоннинг ҳаётида орзулари унга йўл кўрсатувчи юлдуз бўлади. Равшаной Балтабаеванинг қалбида болалик йилларидаёқ оқ халат кийиб, инсон ҳаётини асраш, оналар ва гўдакларга меҳр билан хизмат қилиш орзуси жўш урарди.

Каҳрамонимиз 1969 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрида дунёга келган. Болалигидан илмга чанқоқ қизалок ўз тақдирини тиббиётсиз тасаввур қилолмасди. Орзу мақсадга айланди — Тошкентга олиб келди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таҳсил олиб, 1994 йилда неонатолог мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлди.

Ўқишни тамомлагач, Равшаной ҳаётининг энг масъулиятли босқичини бошлади. Шу йили у Хоразм вилояти Богот туманидаги туғруқхонада чақалоқлар бўлими шифокори сифатида иш бошлади. Ёш бўлишига қарамай, касбига бўлган меҳр, ҳар бир беморга бўлган эътибор ва масъулиятли ёндашуви билан ҳамкасблари орасида тезда ҳурмат қозонди. Равшаной Балтабаеванинг шифокорлик фаолиятида муҳим ўрин тутган инсонлардан бири унинг устози Гулгунча Собирова ҳисобланади. Равшаной иш фаолиятини эндигина бошлаган пайтда ёш, тажрибасиз бўлса-да, касбига қаттиқ бел боғлаган, ўрганишга интиқ қиз эди. Ана шундай вақтда унга йўл-йўриқ кўрсатган, амалиётдаги ҳар бир нозик жиҳатни сабр ва меҳр билан ўргатган инсон — туғруқхонада кўп йиллик тажрибага эга шифокор Гулгунча Собирова бўлган. Гулгунча опа нафақат тиббий билим ва кўникмаларни, балки инсонпарварлик, меҳр, сабр ва масъулиятнинг ҳақиқий моҳиятини ҳам Равшанойга уқтирган.

Йиллар ўтди. Шогирд устоз йўлидан бориб, тажрибали мутахассисга айланди. Бугун Равшаной Балтабаева ва Гулгунча Собирова бир жамоада ҳамкасб сифатида ёнма-ён меҳнат қилишмоқда. Улар орасидаги муносабат хануз устоз-шогирд иззатиға тўла. Чунки ҳар иккаласи ҳам бир муқаддас мақсад — она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўз бурчи деб билишадди. Улар ҳар куни ўнлаб она ва чақалоқлар ҳаётига нур, муҳаббат ва умид олиб қирадиган ҳақиқий фидойий ши-

фокорлардир. Ҳар бир янги туғилган чақалоқнинг илк нафасини эшитиш, онанинг юзидаги миннатдор табассумни кўриш Равшаной опа учун энг катта муқофотдир. Шу сабабдан у ўзишига ҳар куни янгича иштиёқ ва меҳр билан киришади. Бугунги кунда Равшаной Балтабаева Богот туманлараро перинатал марказида ўз касбининг моҳир усталаридан бири сифатида фаолият юритади. У 31 йиллик тажрибага эга, олий тоифали неонатолог шифокор. Касбини чин дилдан севади — ҳар бир чақалоқнинг соғлом нафас олиши, онанинг юзида пайдо бўлган табассум унга куч ва илҳом бағишлайди.

— Шифокорлар сулоласиданман. Отам, раҳматли Рустам Балтабоев эндокринолог, онам Марям Сапарбаева акушер-гинеколог бўлганлар. Уларинг фидойилиги, беморга меҳр билан қараши, касбга садоқати менга ибрат бўлди. Онамдан меҳр, отамдан эса матонатни ўргандим, — дейди **Равшаной опа самимий жилмайиб**.

Равшаной опа шифокорлар оиласига келин бўлиб тушган. Қайнотаси Рустам Қурбонов ҳам кўп йиллар давомида Богот туман тиббиёт бирлашмасида раҳбарлик қилган. Унинг учун шифокорлик оилавий қадрият, наслдан-наслга ўтувчи меҳр ва масъулиятдир.

Ҳар тонг “бугун яна бир ҳаётнинг бошланишига сабабчи бўламан” деган яхши ният билан перинатал марказ эшигидан қиради. Равшаной опа ҳаёт синовларига бардош билан қараган, матонат ва сабр тимсоли бўлган аёллардан бири. Турмуш ўртоғи — умр йўлдоши Алишер ака Қурбонов ҳам шифокор бўлган, аммо ҳаётдан эрта кўз юмганидан сўнг у уч фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб вояга етказган. Ҳар бирига меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва инсонпарварлик туйғуларини сингдирган. У ўз елкасига нафақат она, балки оталик масъулиятини ҳам олган — кечалари болаларининг дарсини текшириб, эрталаб эса ишга шошган она ҳаёти ҳеч қачон осон бўлмаган. Бугун эса у ўша меҳнатнинг, ўша фидойиликнинг самарасини кўриб, фахр билан яшайди.



Ўғли Фавкулотда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилмоқда — юрт осойишталиги учун тер тўқади. Қизи педагогика соҳасида фаолият юритиб, ёшларга билим ва тарбия бермоқда. Кенжа қизи эса онасининг изидан юриб, шифокорлик касбини танлаган бу албатта, Равшаной опа учун энг катта гурур.

Унинг ҳаётидаги энг улкан муқофот — фарзандларининг мустақил, билимли, меҳрибон ва инсонпарвар бўлиб улғайганидир.

— Ҳаётимда қанчадан-қанча синовлар бўлган, лекин ҳар гал сабр ва ишонч билан енгиб ўтдим. Энди эса фарзандларимнинг ютуқларини кўриб, юрагимда чексиз шукроналик ҳисси билан яшайман, — дейди **Равшаной опа**.

Перинатал марказдаги ҳамкасблар Равшаной опани меҳнатсеварлиги, садоқати ва самимийлиги учун чуқур ҳурмат қилишади. Унинг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, беморларга меҳр билан муносабатда бўлиши жамоада илиқ муҳит яратаяди.

— Бош шифокоримиз Дилмурод Муратов раҳбарлигидаги жамоамиз бир оиладек аҳил ва иноқ, — дейди **Равша-**

ной опа.— Бугунги кунда марказимизда 21 нафар олий тоифали гинеколог ва неонатологлар фаолият юритмоқда. Иш жараёнларида замонавий тиббий техника, қулай шароитлар мавжуд. Энг асосийси — биз ҳар куни оналарга, чақалоқларга меҳр, эътибор ва умид бағишлаймиз.

Унинг учун ҳар бир янги туғилган чақалоқнинг илк нафас олиши — ҳаёт мўъжизасининг тимсоли, ҳар бир онанинг миннатдорона нигоҳлари эса — қалб учун энг улуғ муқофотдир.

— Агар яна бир бор ҳаёт йўлимни танлаш имконим бўлганида, мен яна шу касбни — неонатологикни танлаган бўлардим, — дейди у табассум билан. — Чунки бу касб орқали халқ дуосига сазовор бўлдим, фарзандларимни ўқитдим, ҳаётимнинг ҳақиқий мазмунини топдим.

Ҳа, юртимизда Равшаной опадек болажонларга меҳр қўйган, касбига садоқат билан ёндашадиган шифокорларимиз кўпаяверсин.

Юлдуз РЎЗМЕТОВА,
Урганч давлат тиббиёт
институту талабаси.

■FVV ogohlantiradi

YENGIL ALANGALANADIGAN
SUYUQLIKLARDAN EHTIYOT BO'LING

Yengil alangalanadigan suyuqliklar — bu haroratning nisbatan past darajasida tez yonib ketadigan moddalar bo'lib, ular bilan noto'g'ri muomala qilish katta yong'in va portlash xavfini keltirib chiqaradi. Bunday suyuqliklarga benzin, dizel yoqilg'isi, kerosin, erituvchilar, spirtli aralashmalar va boshqa yonuvchan moddalar kiradi. Bu turdagi suyuqliklar past haroratda ham bug'lanadi va havoda portlovchi aralashma hosil qiladi. Odatda ular hidsiz yoki kuchli hidli bo'lib, nafas olish yo'llariga zarar yetkazadi. Eng kichik uchqun, sigaret yoki elektr uchquni ularning alangalanishiga sabab bo'lishi mumkin. Saqlash va ishlatishdagi ehtiyot choralarini Yengil alangalanadigan suyuqliklarni faqat maxsus, zich yopiladigan idishlarda saqlang. Idishlar quyosh nuri, issiqlik manbai yoki ochiq olovdan uzoqda joylashtirilishi kerak. Ish joylarida bunday moddalarni faqat zarur miqdorda saqlang. Suyuq yonuvchan moddalar bilan ishlaganda chek-

ish, payvandlash yoki ochiq olovdan foydalanish qat'iyan man etiladi. Ish joylarida xavfsizlik talablari: har bir ish joyida yong'in xavfsizligi bo'yicha yo'riqnomalar bo'lishi zarur. Yengil alangalanadigan moddalar bilan ishlaydigan xodimlar maxsus kiyim, qo'lqop va himoya vositalarida bo'lishi kerak. Har qanday to'kilish yoki sizib chiqish holatida darhol o't o'chirgich va qum yordamida xavfsizlantirish choralari ko'riladi.

Ixtiyor O'KTAMOV,
Qorasuv Qarorgohi Davlat Rezidansiyasi OYX-
TTEB kichik inspektori, katta serjant.

QISH FASLIDA YONG'IN
XAVFSIZLIGI QOIDALARI

Qish fasli — sovuq, shamolli va nam mavsum bo'lib, aynan shu davrda isitish moslamalaridan keng foydalaniladi. Natijada yong'in chiqish xavfi boshqa fasllarga nisbatan ancha ortadi. Shu sababli har bir fuqaro va tashkilot yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iyo rioya etishi zarur. Isitish asboblari bilan to'g'ri foydalan-

ish. Pech va kaminlar faqat texnik talablarga muvofiq ishlatilishi kerak. Isitkichlarni yoqishdan oldin ularning holati, tutun chiqarish kanali va quvurlari tekshiriladi. Elektr isitkichlar, spiralli pechlar va elektr radiatorlardan uzoqda yonuvchan buyumlar (parda, mebel, gilam) saqlanmasligi lozim. Gaz pechlarini nazoratsiz qoldirish qat'iyan man etiladi. Elektr simlari eskirgan, izolyatsiyasi shikastlangan bo'lsa, darhol almashtirilishi kerak. Bir nechta kuchli elektr asboblarni bitta rozetkaga ulash xavfli. Uydan chiqishdan oldin barcha elektr asboblari o'chirilganiga ishonch hosil qiling. Bolalarga elektr jihozlari bilan o'ynash taqiqlanishi kerak.

Qish faslida yong'inlarning asosiy sababi — e'tiborsizlik, texnik nosozlik va qoidalarga amal qilmaslikdir.

Axmad PO'LATOV,
Qorasuv Qarorgohi Davlat Rezidansiyasi OYX-
TTEB kichik inspektori, kichik serjant.

Выявлено неожиданное влияние сидячего образа жизни на работу тела

Длительное сидение в сочетании с нехваткой движения ухудшает равновесие и изменяет походку даже у здоровых молодых людей. К такому выводу пришли исследователи из США, проанализировав данные 133 добровольцев 18–35 лет. Работа опубликована в журнале Applied Sciences (AS).

Участников разделили на четыре группы по двум параметрам: сколько они сидят (больше или меньше 6 часов в день) и выполняют ли минимум 150 минут физической активности в неделю.

Затем с помощью инерциальных датчиков на семи участках тела измеряли постуральный баланс

и параметры ходьбы, включая микроколебания тела при стоянии с закрытыми глазами и то, как организм «подготавливается» к первому шагу при развороте.

Оказалось, что не только низкая активность, но и комбинация длительного сидения и малоподвижности связана с худшим контролем равновесия.

Те, кто сочетал высокую физическую активность с небольшим временем сидения, демонстрировали самые «молодые» показатели баланса и более стабильное начало движения.

Авторы делают вывод: для здоровья опорно-двигательного аппарата важно не только добирать минуты тренировок, но и сознательно сокращать часы, проведенные сидя.



Причины сильных выделений из носа

СИЛЬНЫЕ ВЫДЕЛЕНИЯ И РЕГУЛЯРНЫЕ КРОВОТЕЧЕНИЯ ИЗ НОСА МОГУТ СВИДЕТЕЛЬСТВОВАТЬ ОБ ИСТОНЧЕНИИ И АТРОФИИ СЛИЗИСТОЙ, А ТАКЖЕ О ПЕРФОРАЦИИ ХРЯЩА, ТАКИЕ СИМПТОМЫ ВОЗНИКАЮТ В ТОМ ЧИСЛЕ У ПРИНИМАЮЩИХ НАРКОТИКИ. ОБ ЭТОМ ЗАЯВИЛА ВРАЧ-ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГ ЕКАТЕРИНА МИРЗАБЕКЯН.



Мирзабекян рассказала, что нередко опасные симптомы в носу возникают у людей, принимающих наркотические вещества.

Также от болезненных симптомов в носу страдают те, кто постоянно использует сосудосуживающие капли. Кроме того, проблемы со слизистой могут наблюдаться и у людей с искривленной перегородкой носа. Изначально слизистая носа пытается восстановиться, но без лечения процесс может

усугубиться, пояснила Мирзабекян.

"Для врача на самом деле все достаточно очевидно – надо посмотреть в нос, и он сразу все увидит. Нормальный здоровый человек полостью носа в сутки вырабатывает литр слизи. Мы ее проглатываем, она уходит в желудок, и там микробы, которые слизистая носа не смогла убить, убиваются уже в желудке. У любого нормального человека к вечеру в передних отделах полости носа есть небольшие корочки. Это та часть слизи, которая выходит наружу и подсыхает там", – отметила она.

Эксперт пояснила, что в ряде случаев начинается гиперсекреция слизи.

"При перфорации образование корочек увеличивается. Появляется гиперсекреция слизи. Присоединение бактериальной флоры может приводить к более высокой подверженности инфекционным заболеваниям полости носа, тогда эти корочки приобретают зеленый или желтый оттенок.

В этих корочках также может быть примеси крови", – заявила Мирзабекян. При этом при атрофии слизистой сосуды в носу начинают кровоточить, нарушается кровоснабжение хряща.

Врач отметила, что зачастую зависимые от запрещенных веществ люди не замечают проблем с носом.

"Проблемы полости носа – это маленькая толика того, что грозит этим людям. К тому моменту, как у них появляется перфорация, им уже на нее глубоко наплевать и на те проблемы, которые у них есть с носом", – добавила медик

Назван малоизвестный фактор повышения риска деменции



AGING: ТЯЖЕЛЫЕ ИНФЕКЦИИ УВЕЛИЧИВАЮТ РИСК РАЗВИТИЯ ДЕМЕНЦИИ СПУСТЯ ГОДЫ. ТЯЖЕЛАЯ ИНФЕКЦИЯ, ИЗ-ЗА КОТОРОЙ ЧЕЛОВЕКА КЛАДУТ В БОЛЬНИЦУ, МОЖЕТ ИМЕТЬ ПОСЛЕДСТВИЯ ДЛЯ МОЗГА ДАЖЕ СПУСТЯ ГОДЫ. К ТАКОМУ ВЫВОДУ ПРИШЛИ УЧЕНЫЕ ИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА СИНГАПУРА.

Их метаанализ, опубликованный в журнале Aging, показал:

Госпитализация по причине инфекции повышает риск развития деменции на 83 процента.

Исследователи проанализировали данные 16 крупных исследований, в которых участвовали более 4,2 миллиона человек. Они сравнили, насколько часто деменция развивается у людей, перенесших инфекцию со стационар-

ным лечением, и у тех, кто не попадал в больницу по этой причине. Во всех работах результат оказался одинаковым: перенесенная инфекция заметно увеличивает долгосрочный риск когнитивных нарушений. Особенно сильная связь обнаружена при сепсисе — тяжелой системной инфекции.

Повышенный риск наблюдался также после пневмонии, инфекций мочевыводящих путей, кожи и мягких тканей. Причем вероятность деменции оставалась выше нормы не только в первый год после болезни, но и на протяжении многих последующих лет.

Ученые считают, что дело может быть в системном воспалении: во время тяжелой инфекции воспалительные молекулы могут проникать в мозг, повреждать нервные клетки и усиливать накопление токсичных белков. У пожилых людей, у которых иммунная система восстанавливается медленнее, этот процесс может быть особенно заметным.

Авторы исследования подчеркивают, что пациентам старшего возраста необходимо уделять больше внимания когнитивному здоровью после выписки. По их мнению, профилактика деменции должна учитывать не только привычки и наследственность, но и перенесенные инфекции как важный фактор риска.

Йод: незаметный защитник здоровья

Йод – микроэлемент, без которого невозможна полноценная работа щитовидной железы. Его нехватка может годами оставаться незамеченной, постепенно подрывая здоровье. Разберёмся, как распознать дефицит.

Зачем организму йод?

1. Регуляция метаболизма. Гормоны щитовидной желе-

зы (Т3, Т4), содержащие йод, контролируют скорость обмена веществ.

2. Поддержка когнитивных функций.

Обеспечивают ясность ума, память и концентрацию внимания.

3. Энергетический обмен.

Помогают преобразовывать пищу в энергию, а не в жировые запасы.

4. Контроль температуры тела

Участвуют в терморегуляции.

5. Правильное развитие плода. Критически важны для формирования нервной системы и мозга ребенка во время беременности.

8 СИМПТОМОВ НЕХВАТКИ ЙОДА

1. Хроническая усталость

Постоянная слабость даже после полноценного сна.

2. Сухость кожи и ломкость волос.

3. Необъяснимый набор веса. Замедление метаболизма при прежнем рационе.

4. Отечность лица и конечностей

Особенно заметны утренние отеки вокруг глаз.

5. Ухудшение памяти и кон-

центрации. "Туман в голове", сложности с фокусировкой.

6. Депрессивные состояния.

Апатия, потеря интереса к жизни.

7. Зябкость. Постоянное ощущение холода, холодные руки и ноги.

8. Нарушения менструального цикла. Нерегулярные или обильные менструации.

Поддерживайте сбалансированный рацион и внимательно следите за сигналами организма.

■ Дил изҳорлари

ФАРЗАНДИМГА КЎРСАТИЛГАН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМАН!

Фарзанд соғлиги – ҳар бир оила учун энг катта бойлик ва энг нозик масъулиятдир. Бола бетоб бўлса, ота–онанинг, қолаверса бутун оиланинг ҳаловати йўқолади. Ана шундай нозик лаҳзаларда малакали шифокорлар кўрсатган эътибор, билим ва инсонийлик оила учун бекиёс қўллаб–қувватлашдир.

Яқинда ўғлимиз Эшонқулов Ардамирнинг корин соҳасида пайдо бўлган кутилмаган оғриқ сабабли, **Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига** мурожаат қилдик. Мазкур муассасада бизни илиқлик билан қабул қилишди, ўғлимизга тезкор текширув ва зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Жараённинг ҳар бир босқичи чуқур масъулият билан амалга оширилгани, тиббиёт ходимларининг эътибори ва ёндашуви фарзандимнинг саломатлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этди. Шу сабабли, марказ бош шифокори, каматрин ва ширинсўз **Фарҳод Қурбоновга** самимий миннатдорлик билдираман. У кишининг раҳбарлиги остидаги жамоа ўз касбига садоқатли экани, болалар саломатлигини биринчи ўринга қўйгани, ҳар бир беморга ҳурмат ва масъулият билан ёндашгани яққол намоён бўлди.

Зарур даво чоралари ўз вақтида амалга оширилгани туфайли фарзандимизнинг аҳволи яхшиланиб, уйимиз яна шодлик ва қувончга тўлди.

Бугун биз Ардамирнинг соғломлигини кўриб, шифокорлар меҳнатининг кадрини янада чуқурроқ ҳис этмоқдамиз. Тиббиёт – бу нафакат билим ва тажриба, балки инсонийлик ва меҳр талаб қиладиган юксак бурчдир. **Фарҳод Қурбонов** ва жамоаси ана шу масъулиятни муносиб адо этиб келаётганига гувоҳ бўлдик.

Шу фурсатдан фойдаланиб, қўли енгил касб фидойиларининг келгусидаги фаолиятида улкан ютуқлар, мустақкам саломатлик ва куч–қувват тилаб қоламан. Марказ раҳбари **Фарҳод Қурбонов** ва унинг аҳил жамоасига шундай дегим келади. “Болаларимизнинг кулгиси, ота–оналар юзидаги табассуми сизларнинг фидойилигингиз самарасидир. Бахти-



мизга доимо соғ–саломат бўлишларингизни чин дилдан истаб қоламан.

Ардамирнинг шифо топиши биз учун энг катта бахт бўлди. Ушбу бахтни улашганингиз учун оилам номидан чин юракдан яна бир бор ўз ташаккуримни билдираман.

Маржона ТОЛИПОВА,
Навоий вилояти
Кармана тумани.

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА!

Яқинда фарзандим Мустафо каттиқ шамоллаб, иссиғи кўтарилди. Судирги билан “Kids Doctor” хусусий клиникасига тезликда етиб бордим. Ёш она сифатида бу ҳолатда депрессияга тушиб қолгандим.

Кўз ўнгимда 9 ойлик дилбандим тинмай қалтирар, қўл оёқлари, лаблари вужуди музлаб кўкимтир рангга кираётганди. Шундай қийин вазиятда кичкина бўлишига қарамай жони азобланаётган Мустафойимни клиниканинг малакали педиатр шифокори **Файзуллаҳўжа Усмонов** билан биргаликда қўли енгил ҳамширалари ўз билими ва тажрибаси, тезкор тиббий ҳаракатлари билан биринчи ёрдам кўрсатишиб ҳаётга қайтаришди десам адашмаган бўламан. Қолаверса, касалликни бошидан то тузалгунга қадар назоратга олишиб керакли амалиётларни амалга ошириб, ҳеч бир асоратларсиз соғайиб кетишига муваффақ бўлишди. Баъзи ёш фарзанди бор оналарга шуни

айтмоқчиманки, шамоллашни бошидан кечираётганда иситмалаб турган болани шифокор назоратисиз даволаб, уйда олиб ўтириш болани ҳаётига катта хавф солиши мумкин экан.

– Фарзандим соғлом бўлсин десангиз, аввало, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, тез–тез чўмилтириш, доимий сайрга чиқиш, витаминлар қабул қилиш, эмлашларни вақтида олиш ҳамда болаларни ўзбошимчалик билан даволамаслик муҳим аҳамиятга эга, – дейди ёш тажрибали шифокор **Файзуллаҳўжа Нарзуллаевич**.

– Ўғлим Мустафонинг саломатлигини тиклашда ўзларининг билим ва тажри-



баларини аямаган клиниканинг ёш педиатри **Файзуллаҳўжа Усмоновга** ҳамда қўли енгил ҳамшираларга оилавий миннатдорлигимни изҳор этаман. Ўзларига мустақкам соғлик ва оилавий хотиржамлик тилайман.

Мухаррам БОЗОРОВА,
Тошкент шаҳри.

■ ФВВ огоҳлантиради

МАҲАЛЛАДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ: ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш соҳасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида маҳалла даражасида хавфсиз муҳитни яратиш ва профилактик чораларни кучайтириш вазифаси белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 ок-

тябрдаги ПҚ-310-сон қарори билан «Маҳалламизни фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланган ҳудудга айлантираемиз» ташаббуси асосида «Маҳалла муҳофазаси» лойиҳасижорий этилди. Мазкур ташаббус профилактика – муҳофаза таъминоти тизимида ҳамда маҳаллаларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишнинг илмий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилайди. Бундан ташқари, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, балки жамоатчилик ҳамкорлигини

таъминлаш, профилактик ишларни самарали ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ва хавфсизлик маданиятини оширишга ҳам хизматқилади.

Джанибек САЛИМБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
маъмурий биноларида ЁХТТЭБ
4-бўлинмаси кичик инспектори,
катта сержант.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Таҳрир ҳайъати раиси –
Асилбек ХУДАЯРОВ – Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ –
профессор, Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги.
Анвар АЛИМОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Фарҳод ХАНАПИЯЕВ – Ўзбекистон
соғлиқни сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси Республика Кенгаши раиси.
Дамин АСАДОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Нурмат АТАБЕКОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Жасур РИЗАЕВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Мурат ҚУРБАНОВ – Қорақалпоғистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.
Фарҳод РАҲИМҚУЛОВ – Ўзбекистон
Соғлиқни сақлаш вазири котибияти.
Фурқат САНАЕВ – Ўзбекистон
соғлиқни сақлаш вазирлиги
матбуот котиби.
Барно ОДИЛОВА – Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги Тиббий ёрдамни
ташқиллаштириш департаменти
бошлиғи ўринбосари, Бирламчи тиббий
ёрдам тизимини мувофиқлаштириш
босқармаси бошлиғи.
Улуғбек СОБИРОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Саидмурод ИСМАИЛОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Муроджон ИРИСМЕТОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Азамат ЮСУПОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Солижон МУМИНОВ – тиббиёт
фанлари номзоди.
Хуршид ФОЗИЛОВА – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ –
тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Наргиза ПАРПИЕВА – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Илмира РАЗИКОВА – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Шухрат БОЙМУРАДОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Рихси САЛИХАДЖАЕВА –
тиббиёт фанлари доктори.
Валихон ҲАКИМОВ – тиббиёт
фанлари номзоди, доцент.
Зафар СИДДИҚОВ – тиббиёт
фанлари номзоди, Ўзбекистон
врачлар ассоциацияси раиси.
Зоҳид АБДУРАҲИМОВ – Ўзбекистон
касаба уюшмалари Федерациясининг
Назарбек санаторийси директори.
Ғайрат КАРИЕВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Шухрат МУХТОРОВ – тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Раъно НОСИРОВА – Ҳамширалар
академияси ректори.

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета 2009 йил 11 мартда
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида
0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060,
Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси,
30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–
13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт – матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк
Турон кўчаси, 41 уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп
этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари
чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда
"O'zbekistonda sog'liqni saqlash –
Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан
олинди деб кўрсатилиши шарт.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета ҳажми 4 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.
Адади – 571 дона. Буюртма рақами Г–1138.
Босмахонага топширилиш вақти: 21–00.
Топширилди 20–00. 3 4 5 6 7